ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

КУНДАЛИК ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМА

1991 йил 27 декабрь
ЖУМА
№ 251 (5.243).
Баҳоси 8 тийин.

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

ИЗБИРАТЕЛЬНЫЙ БЮЛЛЕТЕНЬ

по выборам Президента Республики Узбекистан

1991 йил 29 декабрь
29 декабря 1991 года

ТОШКЕНТ ШАҲАР сайлов округи
ТАШКЕНТСКИЙ ГОРОДСКОЙ избирательный округ

Сиз қарши овоз бераётган Президентликка номзод фамилияси ўчирилади.

Вычеркивается фамилия кандидата в Президенты, против которого Вы голосуете.

Президентликка номзод этиб рўйхатга олинганлар:
Зарегистрированные кандидаты в Президенты:

КАРИМОВ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ	1938 йилда туғилган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти. Ўзбекистон Халқ-демократик партиясининг раиси. 1938 года рождения. Президент Республики Узбекистан, председатель Народно-демократической партии Узбекистана.
МАДАМИНОВ САЛАЙ (МУҲАММАД СОЛИҲ)	1949 йилда туғилган. «Эрк» демократик партиясининг раиси. 1949 года рождения, председатель демократической партии «Эрк».

Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ номзод қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб топилади.

Избирательный бюллетень, в котором при голосовании оставлено более одного кандидата, признается недействительным.

Ўзбекистон Республикаси референдумида овоз бериш учун

БЮЛЛЕТЕНЬ

для голосования на референдуме Республики Узбекистан

«Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?»

«Одобряете ли Вы провозглашенную Верховным Советом Республики Узбекистан государственную независимость Республики Узбекистан?»

Қарши овоз берилганда саволнинг матни ўчириб ташланади

При голосовании против текст вопроса зачеркивается.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИ САЙЛАШ
БЎЙИЧА

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

1991 йил 29 декабрь

Тошкент шаҳар ҳокимлигига номзод

ФОЗИЛБЕКОВ АТҲАМБЕК ИБРОҲИМОВИЧ	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси, Тошкент шаҳрида истиқомат қилади

Қарши овоз берилганда номзоднинг насаби ўчирилади

● **Республика Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси референдумида овоз бериш ва Тошкент шаҳар ҳокимини сайлаш учун бюллетенларнинг намуна нусхалари.**

Президент Ислом КАРИМОВ:

„МЕНИНГ МАСЛАГИМ: ИНСОН БАХТ-САОДАТИ, РЕСПУБЛИКА МАНФААТЛАРИ“

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш куни жуда муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар билан гоят банд, иш куни ҳам одатдаги 8 соатда тугамайди, кўпинча икки баравар чўзилиб кетади. Сиёсий ва иқтисодий вазиятларни идроклаш, бозор иқтисодиётида устувор йўналишларни излаш, республика бўйлаб тез-тез сафар қилиш, қишлоқлар ва шаҳарлар меҳнатчилари билан учрашувлар, чет эл делегацияларини қабул қилиш... дақиқаларигача ҳисобга олинган мана шу иш жадвалида махсус мухбиримиз билан узоқ ва батафсил суҳбатлашиш учун вақт топилди.

— Ислом Абдуғаниевич, мен «Сельская жизнь» деҳқонлар газетасининг вакилиман. Шу сабабли менинг биринчи саволим тўғри ва ўринли бўлса керак: эртаги кунда Ўзбекистон қишлоғи қандай бўлиши керак? Деҳқончилик соҳасида етакчи мавқени ким олади: колхозлар, совхозларми ёки хусусий мулк эгаларими? Бу ҳақда ҳозир мамлакатда турли фикрлар мавжуд, баҳслар кетмоқда. Эҳтимол озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда унисн ҳам ва бунисн ҳам зарурдир, уларнинг орасига қатъий чегара қўйиб бўлмас... Ўз йўлини тўла эркин танлаб олиш, деҳконни ўз ихтиёрига қўйиб бериш ҳақиқий ўзгаришларга олиб бориши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Шундайми?

— Бу саволга жавоб беришдан олдин энг муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳозир ҳамма жойда колхозлар ва совхозлар ўзини оқламади, уларнинг ҳаммасини дарҳол тарқатиб юбориш керак, деган гаплар юрибди. Бунда ҳақиқий иқтисодий, ижтимоий ва ўзга омиллар, деҳқонларнинг руҳияти, истаклари ва муддаолари ҳисобга олинмаяпти. Бизда, Ўзбекистонда бундай ҳолатлар йўқ. Биз мутлақо ҳамма нарсани рад қилишни хоҳламаймиз, ўтган йиллар давомида қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган ҳамма нарсани рад этишга, уларни ёмонга чиқаришга шошилмаймиз. Қишлоқдаги ҳар қандай одамдан сўраб кўринг, у ерда бундай кайфият йўқ.

Озиқ-овқат дўконларининг пештахталари бўшаб қолган экан, бунга колхозлар ва совхозлар айбдор эмас, балки жамоат хўжаликларини ҳозирги аҳволга солиб қўйган тоталитар давлат айбдордир. Асосий иллат шундаки, одамларни ердан ажратиб қўйишди. Сўнгги даврда меҳнатчиларнинг манфаатлари шунчаки менсимай қўйилди эмас, балки топтаб ташланди, мен 80-йилларни кўзда тутяпман, ўша пайтда устимизда «пахта иши» деб аталган хавф хамда марказнинг бошқа уйдирмалари пайдо бўлди. Орзу қилинаётган жамият — аввало инсон манфаатлари, жамият манфаати, фақат қонун устувор бўлган ва демократия қоидалари қарор топтириладиган давлатнинг манфаатлари каби тушунчаларни акс эттирадиган жамиятдир. Шу сабабли амалий ишимда халқ бахт-саодати, демократия, қонуннинг устуворлиги, республика манфаатлари деган маслакка амал қиламан.

Яна бир нарсани айтмай ўтолмайман. Айрим шўринг қурғур назариётчилар, иқтисодиётчилар таъсири остида биз ҳамма нарсага зарар етказиб бўлса ҳам, давлат мулкини барпо этишни тезлаштирдик, бунда миллий омилларни ҳам, бошқа ҳеч қандай омилларни ҳам ҳисобга олмадик. Хўш, охири нима бўлди? Шу йўл билан биз меҳнатга рағбатлантирувчи омилни таг-томири билан тугатдик, «хусусий мулк» тушунчаси эса социализм шароитида қандайдир тақиқлаб қўйилган ёт нарса деб кабул қилинадиган бўлди. Ҳолбуки, хусусий мулкнинг ўзи инсонда қизиқиш уйғотади, омилларни вужудга келтиради, биз ҳозир ана шундай қизиқиш ва омилларга муҳтож бўлиб турибмиз. Одамларга уларнинг ўзига, ўз кучига ишончини қайтариб бериш учун уларнинг меҳнат қилишига окилона шарт-шароитни таклиф этишимиз керак. Хусусий мулк эса ана шундай омилни вужудга келтиради. Кечагина биз хаёлпараст романтиклар эдик, осмондаги ойни ушлашга ҳаракат қилардик, натижада воқеликдан ажралиб қолган одамларга айландик, ҳаёт эса манфаатларни кўзлашни тақозо этади.

Биз бир вақтлар ҳаммани битта давлат мулки остига тезроқ тўпласак, колхозларни, ширкатларни совхозларга айлантирсак, ўша «порлоқ келажакка» тезроқ етиб борамиз, деб тўғридан-тўғри мусобақалашдик. Шундай қилиб аҳволни тағин ҳам чигаллаштирдик, тағин ҳам кўпроқ қийинчиликларни келтириб чиқардик, иш шу даражага бориб етдики, одамлар ўша «порлоқ келажак»ка ишонмай қўйишди.

Бу ишлар жўнгина амалга ошириб келинди. Турли сабабларга кўра, иқтисодий жиҳатдан ожиз, ўзини-ўзи таъминлай олмайдиган 3—4 колхоз олинади-да, улар совхозга айлантирилади. Бунда табақалаштирилган биринчи рента, табақалаштирилган иккинчи рента деган нарсалар, хўжаликларнинг шаҳарлардан олислиги ва бошқа жиҳатлар мутлақо ҳисобга олинмайди. Бир қалам юритиш билан ҳамма нарса ўзгартириб юборилаверди. Янги пайдо бўлган совхозда оддий машиналарнинг, энергия воситаларининг йўқлиги ҳеч кимни ташвишга солмади.

— Кеча ана шундай бўлган эди, бугун эса республикамизда аграр ислоҳот шов-шувсиз, озиқ-овқат масаласини тезда ҳал қилиш тўғрисидаги баландпарвоз гаплар ва ваъдаларсиз амалга оширилаётганлигини кўриб турибмиз. Мен Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги бир қанча хўжаликларда бўлиб, бунга ишонч ҳосил қилдим. Жамиятдаги ҳозирги мураккаб вазиятга, иқтисодий алоқаларнинг узилиб қолганлигига қарамай сизлардаги колхозлар ва совхозларнинг кўпи рентабель ишламоқда, келажак учун яхши замин ҳозирламоқда. Чамаси бундан олдин консерватизм тўсиғидан ўтишга, қишлоқда янги иқтисодий муносабатлар томон кескин бурилиш қилишга тўғри келган. Албатта, курашсиз, зиддиятларсиз бўлмагандир?

— Ёшлигимдан эсимда қолган: қишлоғимиз ёнида колхоз бор эди. Бирданига колхоз ўзгартирилиб совхозга айлантирилганлигини билиб қолдим. Кечқурун ётаётганимизда колхозчи эдик, эрталаб ишчи бўлиб уйғондик, гўёки ўзининг янги тушунчаси, дунёқараши ва руҳияти бўлган ишчи бўлиб уйғондик. Бу латифадан бошқа нарса эмас...

— Ҳа, мен бир вақтлар молия вазирлигида вазир бўлиб ишлаганман ва содир бўлаётган воқеаларнинг номақуллигини ўз кўзим билан кўриб ҳис этганман, чунки республика бюджети, давлат бюджети бир-бир бевосита колхозлар билан боғланган эди, жуда объектив тарзда шундай бўлган эди. Аммо совхозлар кўрган барча зарар ўз-ўзидан ўчириб юборилган бўлса, колхозларнинг қарзидан кечилмас эди. Қарз 5—10 йил мобайнида йиғилиб тураверар, кейинчалик эса ўртоқ Брежнев ва бошқалар навбатдаги партия съездлари арафасида бу қарзларни «ҳа, майли» деб кечиб юборишар эди. Биз эса деҳқонлар тўғрисида ғамхўрлик қилиб «жони ҳалак бўлган» партия ва ҳукуматдан миннатдор бўлар эдик. Кулгили ҳоллар ҳам бўлиб турарди. Қилғиликни қилиб қўйиб, сўнгра бир чизиқ тортиш билан қарзни бекор қилишар эди. Шу йўл билан «подшо ҳазратлари» ўз фуқаролари ҳақида ғамхўрлик қиляпти деб, бизни қуллуқ қилишга мажбур этишар эди. Шундай бўлган эди.

— Ислом Абдуғаниевич, Сизга маълумки, 1965 йилнинг март ойида бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик масалаларига бағишланган пленумидан илгари ёқ академик Немчинов огоҳлантириб шундай деган эди: қишлоқни хонавайрон қилманг, қишлоқ аҳлига озгина эрк, озгина эркинлик беринг, улар ўз меҳнати самараларидан баҳраманд бўлишсин. Ў рақамларни ҳам тилга олган эди: қишлоқ аҳли қўлидан жами қўшимча маҳсулотгина эмас, балки зарур бўлган маҳсулотнинг катта қисми ҳам тортиб олинаётган эди. Лекин унинг гапига ҳеч ким қулоқ солмади...

— Бу ўринда кредит соҳасида ҳам, молия ва нарх белгилаш борасида ҳам кўпгина яроқсиз усуллар бўлган эди. Назаримда, бу масала асосий масаладир. Энг муҳими шундаки, қишлоқ хўжалигини кўп замонлардан буён сурбетлик билан шилиб, талаб келишди. Бунинг устига, бу тармоққа одатда оми одамлар раҳбарлик қилиб келишди. Ўша Лигачевни олайлик, бир вақтлар у бошимиздан қутбарака ёғдирмоқчи бўлган эди, гарчи у, умуман қишлоқ хўжалигини, хусусан молия масалаларини мутлақо билмаса ҳам шундай қилмоқчи бўлган эди. Ў ҳар турли йиғинлар ўтказишга ружу қилган эди. Ўзбекистонга келишни хуш кўрмас эди. Ҳаммани турли минтақаларда тўплаб, далаларга олиб чиқар эди.

Буни кўриб танг қолар эдик. Ўша минтақаларда ёғингарчилик Ўзбекистонга нисбатан икки баравар кўп бўлади. Биз қурғоқчилик ўлкасида яшаймиз, ҳар беш йилда қурғоқчилик «мана мен» деб ўзини кўрсатиб туради. Лигачев эса, нега ўша минтақаларда жўхоридан 80 центнердан ҳосил кўтарилаяпти-ю, Ўзбекистонда бор-йўғи 37 центнерга етаяпти, деб бизга дашном беришга уринар эди. Биз унга шароитимиз бошқачароқ-ку, деб тушунтирмоқчи бўлганимизда, у бунга парво ҳам қилмас эди.

Мавзудан чиқиб кетдим чамаси. Колхозчини атайлаб ишчига айлантирганлигимиз ҳақидаги фикримни якунламоқчи эдим. Бу ўринда гап маънавий, руҳий жиҳатдангина эмас, балки биз зарар кўриб ишлаётган колхозларнинг жами эҳтиёжу-талабларини давлат бўйнига кўра-била туриб осиб қўймоқчи бўлганимиздадир, ҳолбуки, бу хўжаликлардаги аҳволни миридан-сиригача ўрганиб чиқиш керак эди. Нега у ёки бу колхоз зарар кўриб ишлаяпти? «Астар-аврасини» ўгириб ўрганиш керак эди. Биз шундай қилмай, дардни янада газак олдириб юбордик, чунки совхозлар батамом давлатнинг қарамоғига ўтиб, маблағ билан таъминлана бошлади. Асл деҳқон йил охирида қанча даромад кўраркинман, бола-чақамни қандай қилиб боқар эканман, деб ўйлайди. Биз эса ўша заҳматкаш инсонни қарамлик гирдобига ташламоқчи бўлдик. Идорадаги амалдорларнинг сони кўпайиб кетди.

Бунинг жуда хатарли жиҳати бор эди: биз ҳар йили жуда кўп миқдордаги кўрилган зиённи ҳисобдан чиқариб ташлайвердик ва шу тариқа қарам одам феъл-атворининг шаклланишига негиз яратдик. Биз ўзимиз ғирт қарамларнинг бутун бир қатламини вужудга келтирдикки, улар сидқидилдан ишлаш рағбатини унутдилар. Ўша кезда ижара ҳақида гапириб бўлармиди? Бунинг кимга кераги бор эди. Ҳозир деҳқон ерни олишни истамаяпти, деган гаплар бор. Ҳолбуки, бизнинг ўзимиз уни шу йўсинда тарбиялаган эдик. Деҳқон бошқача яшаш лозимлигини уқиб олмоғи учун бирмунча вақт зарур бўлади.

— Назаримда, деҳқонга, ўша бобо деҳқонга у мамлакатни едириб-ичирмаяпти, деб таъна қилиш яхши иш эмас. Айрим сиёсатчилар ва «узангини узиб» кетаётган публицистлар худди шундай таъна тошларини ёғдиришяпти. Хўш, биз қишлоқда ўринга ўрин нима оламиз? Жамият олдида айбдорлик туйғуси, барчанинг хомушу ҳафа бўлиб қолиши ва ҳатто ҳафсаласи пир бўлиб кетиши; шуми бизга қоладигани?

— Бу фикрга қўшиламан. Бунинг энг хавфли жиҳати — адолатга ишончсизликдир, жон куйдириб, қилган самарали меҳнатинг муносиб баҳоланишига ишончнинг йўқлигидир.

Ўзбек деҳқони не-не қийинчиликларни бошидан кечирган. Бундай мушкулот ҳозир ҳам бўлиб турибди. Лекин деҳқонимизнинг адолатсизликка тоби-тоқати йўқ. Аммо шундай бир тизимни бунёд этишганки, жонингни нечоғли жабборга берма, уриниб-суринма, ҳаммаси зое кетади.

(Давоми 2-бетда).

Сайловчилар билан учрашувлар

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 25 декабрь куни Жиззахда сайловчилар билан учрашди. Учрашувда вилоят барча районларининг вакиллари қатнашдилар.

Учрашувни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Э. Т. Турсунов очди. Унда номзоднинг ишончли вакили, «Жиззах овози» рай-он рўзномасининг мухаррири Акром Иномов, Зомин районидан меҳнат фахрийси А. Соипназаров, халқ депутатлари Фориш район Кенгашининг раиси Э. Қозоқов, Арнасой район хотин-қизлар кенгашининг раиси Р. Абишева, Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз ижарачиси Р. Нурлибоев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Октябрь район Кенгашининг биринчи котиби Б. Аввалбеков сўзга чиқдилар. Нотиқлар И. Каримов номзодини, Ўзбекистон ҳозирги раҳбарияти иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш юзасидан кўраётган тадбирларни тўла қўллаб-қувватлашларини айтдилар.

И. А. Каримов шу куни Гулистонда сайловчилар билан учрашди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раёсатининг катта залида Мирзачўлдаги барча районларининг вакиллари учрашувга тўпландилар.

Ишончли вакил — Сирдарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитетининг раиси И. У. Қўчқоров тўпланганларни биринчи марта ўтказилаётган умумхалқ сайловида президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Учрашувда сўзга чиққан сайловчиларнинг вакиллари И. А. Каримов республика иқтисодий аҳволини ва сиёсий вазиятни чуқур билишини, унинг ташкилотчилик қобилиятини, миллатидан, қайси динга мансублиги ва сиёсий қарашларидан қатъий назар меҳнаткашлар, аҳолининг барча табақалари тўғрисида собитқадамлик билан ғамхўрлик қилаётганини таъкидладилар.

Президентликка номзод сайловчилар ҳузурида сўзлаган нутқларида Ўзбекистонни тангликдан олиб чиқиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги ноҳуш ҳолатларни тезроқ тугатиш дастурига тўхталди, халқ турмуш шароитини тезроқ ва атрофлича юксалтириш, маданий уйғониш, сиёсий ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, мустақил Ўзбекистон фуқаролари ўртасида тинчлик ва аҳиллик бўлишига эришиш, унинг барча аҳолиси осойишта ва фаровон яшашига қаратилган тадбирлар тўғрисида гапирди. У республика ҳукумат делегациясининг яқинда Туркияга ташрифи натижалари тўғрисида, мустақил давлатлар бошлиқларининг Олмаота учрашуви ҳақида батафсил ахборот берди, сайловчиларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувларда қабул қилинган мурожаатномаларда уларнинг қатнашчилари Жиззах вилояти билан Мирзачўлдаги барча сайловчиларни Президент сайлови кунида Ислом Абдуғаниевич Каримов учун овоз беришга чақирдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ТАН ОЛИНДИ

Литва Республикаси Олий Кенгашининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллигини тан олиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонунини эътиборга олиб ҳамда халқларнинг ўз тақдирини ўзи эркин белгилаш ҳуқуқига ҳурмат билан қараб, Литва Республикасининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тан олинсин.

2. Литва Республикаси ҳукумати дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан музокара бошлашга вакил қилинсин.

Литва Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Витаутас ЛАНДСБЕРГИС.

Вильнюс,
1991 йил 20 декабрь.

Президент Ислом КАРИМОВ:

„МЕНИНГ МАСЛАГИМ: ИНСОН БАХТ-САОДАТИ, РЕСПУБЛИКА МАНФААТЛАРИ“

(Бошы 1-бетда).

Мен Қашқадарёда вилоят комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаганман, бундан илгари ҳамиша хўжалик иши лавозимларида меҳнат қилган эдим, рости, Қашқадарёга кўнглим унча тортмай бордим. Аммо ўз олдимга қўйидаги мақсадни қўйган эдим: шу вилоят доирасида ўша ноилож аҳволни тугатиш керак, инсонга рисоладагидек шароит яратиб, меҳнатини рағбатлантириш лозим. Нега деҳқонга ўз вақтида иш ҳақини тўлашмаяпти? Хўш, унга умуман қайси қоидаларга асосланиб ҳақ тўлашаяпти? Мен ўзимга берган биринчи савол ана шу бўлди. Ҳамма иш шундан бошланди. Иш ҳақининг вақтида берилишига ҳаракат қила бошладим. Яна ўша ноилож аҳволга дуч келдим. Колхозлар пул ишлаб топиш-маётганги учун иш ҳақи йўқ. Лекин бу аҳволни тугатиш керак эди. Зиммамга масъулиятни олиб, ҳақ тўлайсизлар, деб айтдим. Бир йилдан кейин ҳаммасини қайтарамиз, деб ваъда бердим. Нари борса икки йилдан кейин қайтарамиз, деб таъкидладим. Ҳақ тўлашди. Лекин баъзилар мени бўйруқбоз, деб таъна қилишлари мумкинлигини ҳам билиб турардим. Муайян маъмурий усуллар бўлмаса, фақат иқтисодий усулларнинг ўзигина наф бермайди. Шундай фикрда эдим ва ҳозир ҳам бундан воз кечганим йўқ. Равшанки, иқтисодий усуллар устивор бўлмоғи лозим. Лекин баъзан ишни ташкил этиш ҳам гуноҳ саналмайди. Шу боисдан ҳам тўлайсиз, деб қатъий турдим. Колхозчилар мунтазам пул ола бошладилар ва ҳайрон бўлиб қолдилар: наҳотки иш ҳақини ҳар ойда тўлаб туришса?

Ишонч уруғлари ниш ура бошлади. Иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликлар пайдо бўлди, энди уларни йиқитиш осон бўлмайди.

Шу боисдан ҳам, сиз жамоа хўжаликларига муносабатимиз қандай деб сўраганингизда ўнга жавобим қуйидагича бўлади: Биз колхозлар ва совхозлар фаолиятини таҳлил этмоқдамиз, буни меъёрий юмуш деб билмоқ зарур. Мен зарар кўриб ишлаётган совхозларни колхозларга айлантириш тарафдориман. Режалаштириш ва молия идораларида узоқ йиллар ишлаган пайтимда шу қўнимга келганман. Бу жараён осон кўчмайди, азият чекишга ҳам тўғри келар, мен буни обдон тушуниб турибман. Аммо ҳамонки қишлоқни мустаҳкам иқтисодий негизга қўймоқчи эканмиз, шундай қилиш зарур.

Газетачиларга маъқул тушган ибора билан айтаман бўлсак, бу инқилобий йўл эмас. Бу кейинги пайтда қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этиш масалаларида йўл қўйилган хатоларни дастлабки кезда тузатишдир.

— Ислом Абдуғаниевич, Сизга шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистонга биринчи бор келишим, баъзи марказий газеталардаги мақолалари ўқиган эдим, ўша муаллифлар республикада гўё консерваторлар раҳбарлик қилишаяпти ва бу ерда сира ўзгаришлар йўқ, деб ёзишган эди. Мен республикага ана шу таассуротлар билан келганман.

— Бу гапларни ҳамкасбларингизнинг виждонига ҳавола қилиб қўя қоламан. Бизнинг йўлимиз нимага асосланади? Агар биз зарар кўриб ишлаётган совхозлар ва колхозларни ўзгартирсак, улар кооператив қоидаси асосида ишлайдиган бўлишади. Хуллас биринчи босқичда биз давлат мулкини кооператив мулкка айлантирамиз ва бу билан боғлиқ бўлган барча нарсаларни тиклашга ҳаракат қиламиз. Ишончим комилки, бу одамларга маъқул тушади. Дарҳол бошқарув ходимларининг сони қисқара бошлайди, ҳисобот тикланади, ижара ҳақидаги масала кўтарилади ва ҳоказо. Катта колхозларнинг ичида кичик кооперативлар очиш ниятимиз бор, булар эса бирлашиб кооперативлар иттифоқини тузади. Бу бугунги режамиздир. Қўллаб-қувватлашларига ишончим комил. Чунки бу колхозлар учун муайян рағбат бўлади. Савол беришингизни кутмасдан ана шу рағбат ҳақида гапирмоқчиман. Биринчидан, биз харид нархларини кўтардик. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг аксарият турларини шартномавий нархларга ўтказдик. Эркин нархларга эмас, айнан шартномавий нархларга ўтказдик.

Иккинчидан, хўжаликлар ишлаб чиқаришнинг ва аҳолининг эҳтиёжлари учун ўз маҳсулотининг 60 фоизини (баъзи ерларда бўлаётганидек 80 фоизини эмас) давлатга сотмоғи учун топшириқ бердик ва нархларнинг энг юқори даражасини белгилаб қўйдик. Хўжалик эса маҳсулотнинг 40 фоизини ҳар қандай бадҳода сотиш ҳуқуқига эгадир. Кимга сотади, қаерда сотади, қанчага сотади — бу энди унинг иши. Маҳсулотнинг 60 фоизини эса хўжалик давлатга аниқ ёзиб қўйилган нархларда эмас (бунга эътибор беришингизни сўрайман), балки белгилаб қўйилган энг юқори нархларда сотиши шарт. Хирмон баракали ёки қутсиз келадиган йиллар бўлади. Ҳосилнинг чўғи паст бўлган йилларда биз нархни энг юқорига чиқаришимиз, хирмон баракали бўлганида эса чамалаб кўришимиз керак. Бу ўринда энг асосийси, қишлоқ хўжалик, саноат маҳсулотига нархларнинг мутаносиб (тенг) бўлишидадир. Биз олдимизга ана шундай мақсадни қўйганмиз.

Агар хўжалик юритиш ва мулкчилик шакллари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ўринда менинг фикрим қуйидагича: самарасиз шакллардан бошқа ҳаммаси маъқулдир. Шу масалалар хусусида сўнгги бир ярим йил ичида Ўзбекистонда 23 та қарор ва республика Президентининг фармони чиқди. Куни кеча ишбилармонлар ва фермер хўжаликларига давлат ёрдами тўғрисида қарор қабул қилдик, ушбу қарорни мен энг асосий қарор, деб ҳисоблайман. Бу катта ҳужжатдир. Биз Россия, Украина, қўшни республикаларда намалар қилинаётганини асос деб билиб ва уларни таққидий нуқтаи назардан таҳлил этиб, ўз ҳужжатимизни тайёрладик. Ишбилармонликка нисбатан чеклашларни олиб ташладик. Улар ўз маҳсулотининг 60 фоизини эмас, балки 50 фоизини давлатга сотадилар. Шартномавий нархлар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Давлат хўжаликлардан белгилаб қўйилган юқори нархларда, фермерлардан эса шартномавий нархларда маҳсулот сотиб олади. Маҳсулотнинг қолган 50 фоизини улар ўз нархлари билан сотадилар. Бунинг устига, икки йил мобайнида фермерлар ва ишбилармонлардан сира солиқ олинмайди. Улар божхона солиғини ҳам тўламайдиган бўлишди. Қаерда хоҳласангиз — ўша ерда сотаверинг. Маҳсулотингизга қараб пул топасиз. Майли, бюджетдаги муайян маблағдан маҳрум бўлиб қолсанда, лекин улар қаддиларини ростлаб олишади, кейинчалик эса ишбилармонлар ва фермерлар даромаднинг қанча қисмини давлатга бюджетга ҳақида келишиб оламиз. Хуллас фермерларга салмоқли ёрдам берилди. Бундан кўзда тутилган мақсад учта: оборот маблағларини, моддий-техника базасини бунёд этишда, чорва моллар ва бошқа зарур нарсаларни сотиб олишда ёрдам беришдир.

— Қашқадарё вилоятида икки фермер ҳузурида бўлдим. Улар қаддини ростлаб, ўзларини обдон тутиб олишибди. Буни алоҳида таъкидламоқчиман. Республика деҳқонлари қишлоқ хўжалик йилини қандай якунлашаяпти?

— Ўзингиз кўриб турибсиз, бугунги вазиятда ғалаба сурури ҳақида гапириш жоиз эмас. Атрофимизда бўлаётган воқеалар ҳам деҳқончилик — саноат ишлаб чиқаришидаги ишларнинг аҳволига таъсир этди, албатта, аммо шунга қарамасдан қишлоқ меҳнаткашлари дадиллик билан ишламоқдалар. Умуман пахта, пилла, қовун-тарвуз етиштириш топшириқлари бажарилди. Сабзавот, дон ўтган йилдагига нисбатан кўп тайёрланди. Сут харид қилиш ҳажмлари ҳам тўла ado этилади. Қайта ишлаш саноатининг кўп тармоқлари бир маромда ишламоқда. Аммо қишлоқ муаммолари камаймаяпти, албатта.

— Демак, Ўзбекистоннинг қишлоқ иқтисодиёти нисбатан дуруст эканда, бундай республикалар унчалик кўп эмас. Бунинг сири нимада: шарқона донишмандликми, сиёсий вазминликми, соғлом ақл идрокми?

— Бу саволга бир сўз билан жавоб қайтариб бўлмайди. Аввало республика раҳбарияти қишлоқ аҳлига баракали ишлаш учун нормал шароит кераклигига асосланиб иш тутмоқда. Биз озиқ-овқат муаммосини ҳал этишнинг илк нуқтаси деб мана шуни билаяпмиз, зеро Ўзбекистондаги кўпчилик аҳоли қишлоқда яшайди ва ишлайди.

Республикада шахсий ёрдамчи хўжаликларни мустаҳкамлаш учун бир қанча муҳим тадбирлар кўрилди. Кейинги икки йил ичида бу хўжаликларни ривожлантириш учун 300 минг гектарга яқин суғорма ер ажратилди. Томорқа участкаларининг ўртача ҳажми 20 сотихга етказилди. Қишлоқликларга кўп миқдорда бузоқ ва қўзи, жўжа, бир миллион тоннага яқин йирик ва ширали озуқа сотилди.

Жамоат ишлаб чиқаришида деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга зўр берилмоқда. Илгари пахта теримини ташкил этиш нақадар мураккаб бўлгани сизнинг эсингизда бордир. Бу иш билан ҳамма шуғулланар эди. 10 минглаб ва баъзан ҳатто 100 минглаб мактаб ўқувчилари, талабалар, ишчилар жалб қилинарди.

Биз пахтакорларнинг ўзига юқори ҳақ тўлай бошладик — қўлда терилган ҳар килограмм пахта учун 40 тийин, машинада терилган ҳар тонна пахта учун 40 сўмгача ҳақ белгиладик. Масала ҳал бўлди, қўйди. Деҳқонлар ҳеч қандай ташвиқотсиз ўзлари далага чиқишди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг харид нархлари ҳам қайта кўриб чиқилди. Умуман унинг ҳақи бир ярим—икки баравар кўпайтирилди. Хўжалик юритишнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш йўлида жиддий қадам қўйилди. Ҳозир қишлоқда ижарачилар ва фермерлар ишлашмоқда. Бироқ колхоз ва совхозларнинг аҳамияти ҳам пасайтирилмаётганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

— Республикангиз деҳқонлари билан бўлган суҳбатларда улар хўжаликлараро алоқалар издан чиқиб бораётганидан ташвишланмоқдалар. Бунинг оқибати нима бўлганини гапиришнинг ҳожати йўқ — ҳаммаси кўриниб турибди. Бунинг устига танглик тобора кескинлашиб бормоқда, аҳволнинг яхшиланишидан эса дарак йўқ. Бир вақтлар қардош бўлган халқлар ўртасидаги бирлашув, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш муаммолари ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ўзбекистон ташқарига кўп миқдорда турли хом ашё, маҳсулот ва моллар чиқаригина қолмай, бир талай маҳсулотларни четдан олиб ҳам турибди. Жумладан, дон, қанд-шакар, ёнилғи, ёғоч, металл, автомобиллар ва бошқа кўпгина маҳсулотларни олаяпти. Неча ўн йиллар давомида вужудга келган хўжалик алоқаларининг узилиши иқтисодиётга катта зиён етказиши равшан. Бу гап бизгагина тааллуқли эмас. Биз ҳаммамиз бир-биримизга боғлиқмиз. Вужудга келган аҳволни тузатиш учун ҳалол, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш керак бўлади. Бу муаммога жуда катта аҳамият берилаяпти. РСФСР, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркманистон билан битимлар тузилди, бошқа республикалар билан музокаралар олиб борилмоқда. Аммо битимлар амал қила бошлашига эришиш керак.

— Жуда рўй-рост савол бермоқчиман: бизда нималар бўлаяпти, ўзи? Бу балоларнинг ҳаммаси қаердан келиб чиқди? Бузғунчилик жараёнларининг чеки борми, шу хусусдаги фикрингизни билмоқчи эдим.

— Куюниб эҳтиросларга берилмайлик. Рўй бераётган жараёнларни турли сиёсий кучлар турлича изоҳламоқдалар. Айтайлик, ҳозир ҳамма балолар учун фақат республикаларни айблаш расм бўлиб қолди. Ҳолбуки, ҳамма нарса айни марказдан бошлангани маълум. Керилиб, ҳар жойда, қандайдир болаларча енгилтаклик билан қуруқ ваъдалар берилаверди. Мен Москвада бир неча бор сўзлаган нутқимда: «Шошманглар, қайта қуриш деб аталган нарсанинг қонун-қоидаси борми, унинг стратегияси борми, деганда Президент Горбачев ошкора гижиниб: «Сиз қандай қонун-қоида ҳақида гапираяпсиз, буни ҳаёт дейдилар. Биз ҳозир қилаётган ишларнинг ўзи концепция эмасми» деган гапларни айтди.

Мана, сизга позиция. Унчалик ўхшовли бўлмаса ҳам бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Фараз қилинг: омонат бўяганлиги учун дарҳол аг-дарилиб тушишини ўйлабнетиб ўтирмай, уни қуришга киришилди. Масалан, бизнинг юртимизда, Ўзбекистонда тупроқ жуда юмшоқ, чўкувчан, аммо бошқа бирон-бир жойда бунинг акси бўлиши мумкин. Буни ҳисобга олмасдан бўладими, ахир. Гапнинг индаллосини айтганда, ўйни қайси пойдеворга, қандай лойиҳа асосида қуриш кераклигини билиш керак. Биз қайта қуриш деб атаган жараён ҳар жиҳатдан пухта, жиддий ўйлаб, бир тўхтамга келинган бўлиши керак эди. Чунки бунинг нималигини халқ ҳали ҳам тушуниб етгани йўқ. Халққа: бундай яшаб бўлмайди, ўзингизни ўзингиз қайта қуринг ва тезроқ ҳаракат қилинг, деган сўзни айтишди, холос. Хўш, бу ишни қандай қилиш мумкин ёки лозим эди? Ҳамма даъватлар фақат бузғунчилик руҳида бўлди. Бунёдкорлик вазифалари ҳақида унчалик ўйлаб ўтиришмади. Одамлар: айтайлик, янги молиявий тизимни вужудга келтириш, бозорнинг таркибий ва қўмакчи соҳаларини барпо қилиш, янги кадрлар тайёрлаш, рақобатли иқтисодиёт руҳиятини жорий этиш ва шу каби ишларни қилиш истаги қақиқатан ҳам бормиди, деб ҳали ҳам ҳайрон бўлаётганликлари бежиз эмас. Чунки буларнинг ҳаммаси яшашга ҳалақит бераётган тузумни ўзгартиришнинг мажбурий қисмлари эди. Йўқ, бундай қилинмади, яна биз илгари қилган ишни — ҳамма нарсани бутунлай вайрон этишни қайтадан бошлаш йўли тутилди. Қўшиқда айтилганидек бўлди: «...ҳамасини таг-туги ила бузамиз, сўнгра...». Сергак кишилар «Хўш, сўнграси нима бўлади» деб сўрашганида, улар, ҳеч бўлмаганда, консерваторлар қаторига қўшиб қўйилди.

Хўш, натижа нима бўлди? Қудратли бузувчилик жараёнлари бошланиб кетди. Асрлар бўйи вужудга келтирилган нарсаларни дунёдаги биронта мамлакат бу қадар жадаллик билан бузган эмас. Мен эскилик тарафдори эмасман, асло. Аммо бузишда ҳам ақл ишлатиш керак. Шарқда ўхшатишларни яхши кўришади. Масалан, фараз қилинг, рўпарангизда азм бино турибди. Сиз уни бомба жойлаб портлатиб юборавересизми, бунда бино у ёқда турсин, теварак-атроф ҳам дабдала бўладику. Тадбиркор киши бундай қилмайди. Мен мажозий гапираяпман. Биз жамиятнинг ўтмишини ер билан яксон қилдик. Биз уни бутунлай вайрон этиб, яқин ўтмишга нисбатан нафрат уйғотдик., бу ўринда, буйруқбозлик-маъмуриятчилик тизимини мутлақо ҳимоя қилмоқчи эмасман. Йўқ, у ҳеч кимга ёқмас эди. Уни қандай қилиб, қай тарзда ўзгартириш, миллионлаб кишиларнинг жигига тегмаслик кераклигини тузукроқ ўйлаб кўриш керак эди. Айтинг-чи, банкмолия тизимини вайрон қилиб, пулнинг ҳаддан ташқари қадрсизланиши учун қонунлашилмаган заминни яратиш мумкинмиди, ахир. Республикалар ўртасида қасддан зиддиятларни келтириб чиқариш мумкинмиди? Нега энди марказ ўз умрининг охирги кунларигача республикаларнинг ўзаро алоқаларига зўр бериб қарши бўлиб келди?

— Шундай қилиб, Минскка ва Ашхободга борилди...

— Ҳа, баракалла. Республикалар ҳозир марказдан юз ўгирганининг сабаби нима? Аввало шуки, у умрини яшаб бўлди, у эскилик сарқити бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам республикалар мустақилликка, ўз давлатчилигига интила бошладилар. Гапимга ишонсангиз, биз бу муаммоларни Москвада, Ново-Огареводаги ва бошқа жойлардаги учрашувларда таҳлил этмоқчи бўлганимизда Назарбоевни ҳам, мени ҳам, бошқаларни ҳам қоралашга уриндилар. Гўё бизни давлатни талқондек майдалаб ташлаяптилар деган ва шу каби сўзлар билан айблашди. Оз бўлмаса, қўлларини бигиз қилиб кўрсатишга уриндилар. Вайрон қилувчилик жараёнларини Каримов ёки Назарбоев эмас, балки марказнинг ўзи бошламаганмиди, ахир?

Марказнинг ўз қўлидаги барча ҳукмронлик тузилмаларини сақлаб қолиш учун қайсарлик билан қилган уринишлари аввал Минскдаги, сўнгра эса Ашхободдаги анжуманларни чақиришга мажбур этди. Ҳақиқий аҳвол мана шундай. Буни мен фожиа деб билмайман. Бизнинг астойдил ҳурматимизни қозонган энг йирик уч республиканинг раҳбарлари марказнинг ўзи қилиши лозим бўлган ишни қилишга жазм этдилар. Бу ишга юксак масъулиятни зиммага ола биладиган жуда қатъиятли сиёсатчи бўлмиш Б. Н. Ельцин алоҳида ҳисса қўшди. Мен бу кишиларни ҳурмат қиламан. Кравчук ҳам, Шушкевич ҳам тўла ишончга лойиқ кишилар. Улар асло ҳаддан ошмайдиган ва ўйламай қадам қўймайдиган жуда ишончли, оқил инсонлар. Эҳтимол, уларнинг учрашуви жуда тез ўтгандир ва бирмунча маҳфийлик тусини олгандир. Чамаси, улар билан ҳамкорлик қилаётган бошқа республикалар билан янги ёндашувларни лоақал умумий тарзда бўлса ҳам келишиб олиш керак эди. Шунга қарамай, ниҳоят, мустақил давлатларнинг янги ҳамдўстлигини тузишга қарор берган Россия, Украина ва Беларусь раҳбарларига офарин айтмоқ керак. Янги ҳамдўстлик олий бюрократик тузилмаларисиз, ўзига қўшилмоқчи бўлган ҳамма республикаларни ихтиёрий равишда йиғиб, беҳисоб тўралардан ўзини ҳимоя қила олади. Назаримда, бу тўралар энди Минскка унчалик тез етиб бора олмайдилар.

Айни вақтда кўпгина мураккаб масалалар даргумон бўлиб турганини яширмоқчи эмасман. Армия масаласи улар орасидаги энг муҳим масаладир. Бу—жуда нозик, принципиал, таъбир жоиз бўлса, миллатлараро, давлатлараро масаладир. Шу сабабли уни махсус ва чуқур муҳокама қилмоқ керак.

Бюджет, қарз, валюта, пул тизими масалалари бошқа англашилмовчиликлар жумласига киради. Биз бу масалаларни эътиборсиз қолдира олмаймиз, аммо уларни ҳал этиш мумкинлигига ишонамиз. Шу сабабли ваҳимага тушиш учун асос йўқлигига газетхонларни ишонтирмоқчиман. Муайян кучлар шундай ваҳимани юзага келтирмоқдалар ва энг даҳшатлиси шуки, аввало Россиядан ташқарида яшаб турган рус тилида сўзлашувчи аҳолини асабийлаштиришни хоҳламоқдалар. Бу — энг бемаъни ҳаракатлар бўлиб, шу ҳаракатларни қатъият билан тўхтатиш керак.

— Ислом Абдуғаниевич, шу муносабат билан Сизга тўғридан-тўғри бир саволни бермоқчиман: Сиз ўз республикангизда рус тилида сўзлашувчи аҳолини ҳимоя қила оласизми? Ҳозир республикангиздаги аҳвол барқарор. Мен буни ҳис этдим. Бироқ, ҳар ҳолда русларда бироз ташвиш бор...

— Одамлар ва миллатларнинг тенгҳуқуқлилиги биз учун қуруқ сўзлар эмас. Мен Ўзбекистоннинг Президенти сифатида ҳамма учун: ўзбеклар учун ҳам, руслар учун ҳам, татарлар учун ҳам, яҳудийлар учун ҳам жавоб бераман. Яқинда Навоий ва Зарафшон шаҳарларида руслар ҳузурида гапирдим, ўшанда: агар, худо кўрсатмасин, бехосдан қандайдир кутилмаган ҳодиса рўй бергудек бўлса, мен сизларга аскарларни ҳам, бронетранспортёрларни ҳам юборишни ваъда қилмайман. Тўппа-тўғри сизларнинг ёнингизда бўламан, деб аниқ ва қатъий қилиб айтдим. Агар ўзбек халқининг соф қалби ва олижаноблиги эътиборга олинадиган бўлса, у ўзи билан бирга яшаб турган ҳамма кишиларни кўкрак кериб ҳимоя қилишига ишончим комилдир.

— Ислом Абдуғаниевич, кўпдан-кўп учрашувларим вақтида сизнинг республикангизда тил, миллий анъаналар, маданият хусусида туб жойли бўлмаган аҳолининг муаммоларига анчагина ҳурмат ва назокат билан ёндошилганига ишонч ҳосил қилдим. Аммо, эҳтимол, ҳали муаммолар бордир.

— Миллатлараро муносабатлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва миллий-маданий муаммоларнинг жуда мураккаб мажмуасидан иборат. Шу қадар нозик ишда кескин иш тутиш, миллий манфаатлар нуқтаи назаридан жуда зарур бўлса ҳам, жараёнларни жадаллаштириш ало ярамайди. Шу сабабли биз давлат тили ҳақида қонун қабул қилганимизда уни амалга ошириш учун нисбатан узоқ муддатни кўзда тутдик. Оз сонли миллатларнинг ҳуқуқлари ва кафолотлари амалда рўёбга чиқарилмоқда. Бизда 50 тадан кўпроқ миллий-маданий марказ ишлаб турибди, республика миллатлараро маркази бор. Республикада уюшиб яшаб турган миллий гуруҳларнинг тилларида таълим ва тарбия бериладиган мактаблар, синфлар, болалар муассасалари очилмоқда.

Бироқ, ростини айтсам, бу соҳада қилинаётган ишлардан ҳали қаноат ҳосил қилмаяпман. Маблағ ва воситалар, айниқса кадрлар етишмаслиги, моддий-техникавий базанинг заифлиги, аҳвол-руҳиятдаги сийқа усуллар ва тўсиқлар сезилиб турибди. Давлат тузилмалари билан жамоатчиликнинг ҳамкорлик қилишга ҳайрихоҳлиги ва манфаатдорлигигина умид бахш этмоқда. Ўзбек миллий маданияти, тили, анъаналарини ҳаққоний равишда тиклаш ва ривожлантириш аҳолининг бошқа миллий гуруҳларидаги мана шундай жараёнлар ҳисобига бўлмаслиги лозимлигига асосланамиз.

— Ўртоқ Президент, суҳбатимиз охирида қандай тилаклар билдирмоқчисиз?

— Ўзбекистон — бадавлат; тинчликсевар, кўп миллатли ўлка. Унинг эрксевар халқи дунёдаги барча мамлакатлар ва халқлар билан, аввало, узоқ йиллар давомида мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий иттифоқда бўлиб келган мамлакатлар ҳамда халқлар билан тенг мулоқотда бўлишни, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишни, фаол ўзаро ёрдамлашишни хоҳлайди ва шунга интилади.

Суҳбатдош М. ШАРО.
(«Сельская жизнь»нинг 21 декабрь сонидан).

ЯКДИЛЛИК

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирувчи «Узпишчепром» концерни Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти умумхалқ сайловига қўйилган Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини якдиллик билан маъқулладилар ва қўллаб-қувватладилар. Улар ўртоқ И. А. Каримов халқ турмушини яхшилаш, республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, одамлар тинчлигини ва тотув ҳаётини таъминлаш йўлида кўп тадбирларни амалга оширишга ҳаракат қилишини алоҳида таъкидладилар, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилишига ишонч билдирдилар. Йиғилишда республикани ҳозирги иқтисодий тақчиллик, ижтимоий танг аҳволдан олиб чиқишда унинг тажрибаси, билими, сиёсий дунёқараши муҳим аҳамият касб этиши уқтириб ўтилди. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов муносиб номзод эканлиги таъкидланди.

Йиғилиш иштирокчилари республика озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаётган элликдан зиёд миллат вакилларига — кўпминг кишилик меҳнат жамоаларига мурожаатнома қабул қилишиб, уларни ва оила аъзоларини 29 декабрдаги умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов учун овоз беришга даъват этдилар.

С. ХУЖАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН» БИРЖАСИ ХИЗМАТИНГИЗДА

Бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш, аҳолининг кенг истеъмол молларига, саноатнинг ҳом ашёга бўлган талабэҳтиёжини қондириш йўлида муҳим одим ташланди. Республикамизда «Ўзбекистон» деҳқончилик-саноат универсал биржаси — акционерлик жамияти тузилиб, у ўз фаолиятини кенг кўламда бошлаб юборди. Мазкур жамият акционерлари орасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирликлари, «Узплодоовощвинпром» концерни, «Узсельхозснабремонт» давлат кўмитаси, «Узхлопкопром», «Узптицепром», «Узпчелопром», «Узмясомолпром», «Қоракўл», «Ипак», «Узсельхозхимия» республика ишлаб чиқариш бирлашмалари, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки, Тошкент вилоятидаги Свердлов номли, Ким Пен Ҳва номли ва «Ленин йўли» колхозлари, Москва товар, Беларусь деҳқончилик-саноат биржалари ва бошқа кўплаб корхоналар, ташкилот ҳамда идоралар бор. Янги жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад хўжаликлар, ижарачилар, фермерларга биржа орқали бевосита алоқа боғлаб, ҳом ашё сотиш ва зарур моллар, маҳсулотлар, ускуналарни харид қилишда қулай шароит яратишдан иборатдир.

«Ўзбекистон» биржаси бўйича таништирув маросими ва дастлабки очиқ савдо 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Халқ хўжалиги кўргазмасининг «Ирригация» павильонида бўлиб ўтди. Бу муҳим тадбирда юқорида санаб ўтилган вазирликлар, идоралар, корхона, ташкилот ва хўжаликларнинг вакиллари, бошқа биржаларнинг, оммавий-ахборот воситаларининг намоёндалари иштирок этдилар. Таништирув маросимини, жамият ўз фаолиятини бошлашига бағишланган йиғилишни «Ўзбекистон» деҳқончилик-саноат биржаси Кенгашининг раиси А. А. Уркинбоев бошқарди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири М. И. Исломов, «Узплодоовощвинпром» концерни бошқаруви раиси А. Х. Тошкенбоев ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, бозор иқтисодиёти шароитида муҳим қадам қўйилганлигини таъкидлаб, умумий манфаат йўлида биржа савдосининг барча иштирокчиларига муваффақиятлар тилашди.

Биржанинг биринчи очиқ савдосида 200 миллион сўмлик олди-сотди юзасидан дастлабки ҳужжатлар расмийлаштирилди. Хом ашё олувчилар, мол айирбошловчилар, маҳсулот сотувчиларнинг кўплиги бозор иқтисодиёти тобора чуқур илдиз отиб бораётганлигидан далолат беради.

С. ЖУРАЕВ.

Халқ хўжалигининг бозор иқтисодиётига ўтиши савдотижорат ишларини такомиллаштиришни, унинг заминни яратишни тақозо этмоқда. «Наманган» мол ва хом ашё биржаси ана шу қутлуғ ҳаракатнинг меваси сифатида вужудга келди, дейиш мумкин. Яқинда шаҳардаги тўқимачилар маданият саройида биринчи очиқ савдо ташкил этилди. Унда Санкт-Петербург, Свердловск, Москва, Горький, Нижний Новгород, Хабаровск, Ўш, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги биржалар 500 миллион сўмликдан зиёд халқ хўжалиги товарлари билан қатнашдилар. Карнай-сурнай садолари эрта тонгданоқ наманганликларни савдо бозорига чорлади.

Вилоят уламолар Кенгаши раиси 103 ёшли пиру бадавлат отахон Ҳожи Ҳошимжон қори Юсуфжон ўғли маросимни очар экан, жумладан шундай деди:

— Азиз фарзандларим! Авлод-аждодларимиз азалдан савдо-тижорат ишлари билан шуғулланиб келишган. Бу борада бой тажриба ва анъаналарга эгамиз. Қардош дўстлар билан ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, бир-биримизга ёрдам қўлини чўзиш савоб иш. Турмуш нечириш кун сайин қийинлашиб бораяпти. Одамларнинг оғирини енгил қилишда бундай тадбирларнинг аҳамияти бисёр: битмай ётган ишлар битади, кўпчиликнинг ҳожати чиқади. Шундай савдони ташкил этганларга раҳмат. Ҳамма-нгизни ота-боболаримизнинг азиз руҳи қўллासин!

Ҳозирги кунда жамиятда, унинг иқтисодий ҳаётида мураккаб вазият вужудга келганлиги ҳеч кимга сир эмас. Хўжалик алоқалари дарз кетиб, минтақалар, республикалар ўртасида

ИШБИЛАРМОНГА ОМАД ЁР

таъминот издан чиқди. Бу эса истеъмол бозорини барқарорлаштиришга, одамларнинг яшаш тарзига салбий таъсир кўрсатаётир. Ана шу реал воқеликни ҳисобга олиб, вилоят Кенгашининг 1991 йил июль ойида бўлган сессиясида кенг истеъмол моллари ва хом ашё биржасини ташкил этишга қарор қилинган эди. Эзгу ният амалга ошди. Бу, энг аввало, қадимий анъаналарни тиклашга хизмат қилиши билан ҳам муҳимдир. Вилоятнинг жуғрофий жиҳатдан қулай жойлашганлиги, унинг катта иқтисодий имкониятлари бошланган хайрли ишнинг истиқболидан далолат бериб турибди. Биржани ташкил этишдан асосий мақсад битта: истеъмол бозорини имкон қадар зарур моллар билан тўлдириш, вазиятни барқарорлаштиришга қўмаклашиш. Ҳозирги кунда бу нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамиятга молик масаладир.

Биржа ўз фаолият доирасини кенгайтирмоқда. Санкт-Петербург, Москва, Ўш, Нижний Новгород, Чимкент, Владивосток, Владимир, Тошкент шаҳарлари даги биржалар ҳамда Польша, Литва, Германия, Канада, Америка, Туркия савдо аҳли билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланаётганлиги айни муддао. Дастлабки очиқ савдода ҳаридорлар эътиборига 500 миллион сўмлик турли хил моллар ҳавола этилди. Шундан 300 миллион сўмлиги четдан келтирилган. Шериклар, ҳамкорлар кун сайин кўпайиб бораяпти.

Савдо-сотиқ бошланди. Маклерлар аллақачон ўз жойларини эгаллашган. Маҳсус болғача, автомат ҳисоблаш ускуналари улар ихтиёрида. Катта маклер Рустам Раупов иккита брокерлик ўрни сотилишини, уларнинг ҳар бири 200 минг сўмдан эканини маълум қилди. Залда жимлик. Бироз ўтгач, икки-уч жойдан оқ карточкалар кўтарилди. Очиқ савдо тартибига мувофиқ турли таклифлар ўртага ташланди:

— 250, 300...

— Уч юз — бир, уч юз —икки, уч юз — уч... Демак, сотилди. Дастлабки брокерлик ўрни Андижон вилояти Чинобод пахта тозалаш корхонаси директори Мўйдинжон Мўминовга насиб этди. Табриклаймиз, Мўйдинжон!

Иккинчи брокерлик ўрнини Қува районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги вакили Юсуфжон Қодиралиев сотиб олди. Шундан кейин маклер Одилжон Жўраев «Тола» акционерлик жамиятининг бир неча қимматбаҳо қоғозлари савдога қўйилганини эълон қилди. Сотиб олинган қимматбаҳо қоғоз ҳар йили 12 фоиз фойда келтириши, бу акциялар фан-техника тараққиётига хизмат қилиши таъкидланди. Шу куни 60 минг сўмлик акциялардан ўнтаси, 11 минг сўмлик акциялардан ўнтаси, 1000 сўмлик акциялардан элликтаси пулланди.

Ўш жамғарма ва товар биржаси келтирган автошина, «Юность» мебели, ороқкурси ва бошқа нарсаларга харидор топилмади. Чунки уларнинг нархи жуда баланд эди. «Олмалиқ» биржаси таклиф этган қурилиш материаллари савдоси роса қизиди. «Наманганглавкоопснаб» брокери Тоҳиржон Турғунов ва Муҳаммаджон Раҳматуллаевлар ўзларига керакли молларни харид қилдилар. Нижний Новгород, Оҳангарондан ташриф буюрган ишбилармонлар ҳам биринчи кўргазмали савдога кўпгина зарур моллар олиб келишган. Ёғоч-тахта, цемент, бетон плиталар, аёллар пальтоси, кўйлаклар, газ қувурлари, қизил ва қора икра, асал, мева-сабзавот қизиқиш билан сотиб олинди. «Наманган» биржаси таклиф этган саноат моллари ва тайёр кийимларга ҳам харидор кўп бўлди.

Шу куни «Наманганглавснаб» қошида очилган «Сайхун» ассоциацияси брокери М. Раҳматуллаев ўзини энг тажрибали ишбилармон сифатида намоён этди. «Ўнҳаёт» ипакчилик бирлашмаси, «Тола» акционерлик жамияти, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси брокерлари Обидхон Отахонов, Абдуфатто Салимов, Исоқжон Иброҳимов ва Содиқ Холмирзаевлар 50—90 минг сўмлик савдо қилдилар. Санкт-Петербургдаги «Каскад» ширкатининг брокери 2 миллион сўмликдан ортиқ тайёр кийим-кечакларни харид қилди. Бирин

Қашқадарё вилояти раҳбарлари диққатига!

Жорий йилда вилоят хўжаликларининг раҳбарлари ва мутахассислари жамоат чорвачилигини ривожлантириш юзасидан муайян ишларни амалга оширдилар Натижада 1990 йилга нисбатан сигирлар, чўчқалар, қўй ва эчкилар туёқ сони бир мунча кўпайди. Давлатга сут топшириш йиллик режаси адо этилди. Муҳим ишга давлат нуқтаи назаридан ёндошаётган мутасадди кишилар молхоналарни таъмирлаш, қишловга етарли емиш тайёрлаш борасида яхши тадбирларни амалга оширишди.

Бир қарашда тармоқда ишлар рисоладагидек кўринади. Бироқ колхоз ва совхозларда бўлиб қишлов қандай бораётганлиги, эришилаётган натижалар назардан ўтказилса кўпгина жамоаларда ўзибўларчилик, расмиятчилик чуқур илдиз отаётганлиги яққол намоён бўлади. Гап шундаки, баъзи раҳбар ва мутахассислар дастлабки натижалар билан кифояланиб, мавсум масъулиятини унутишган. Зеро, вилоятда қишлов кўнгилдагидек ўтади, дейишга ишонч йўқ эди. Бунинг сабаблари ва сабоқлари хусусида тўхталайлик.

Зарбдор тармоқни ривожлантиришнинг бош омили озуқа ва яна озуқадир. Афсуски, аксарият хўжаликларда бусиз мақсадга эришиб бўлмаслигига ҳамон тушуниб етилмаяпти. Белгиланган миқдорда емиш етиштириш учун етарли майдонлар ажратилмаяпти. Мавжудларининг эса анча қисми озғин ерлардир. Энг ёмони ҳал қилувчи дамларда экинлар нарвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ҳосилдорлик ҳам шунга яраша. 1991 йил 1 ноябригача вилоят агросаноат уюшмасига қарашли хўжаликларда беда тўрт марта ўрилди. Ўртача ҳосилдорлик гектарига 84 центнерга тўғри келди. Бу кўрсаткич Деҳқонобод районида 46,9, Ғузорда 61,9, Баҳористонда 68,8, Муборакда 71; Чироқчида 72,4 центнерни ташкил этди, холос.

Маҳсулдорлик омили — силос жамғариш ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Эски касал давом этаяпти. Паҳлавон экинни вақтида озиқлантириш, суғориш ишлари кечикиб, сифатсиз бажарилди. Ўрим-йиғимга белгиланган муддатда киришилмади. Шу боис Қарши районидаги Энгельс номли, Ғузор районидаги Охунбобоев номли, Навоий номли, «Наврўз», «Дружба», Чирқчи районидаги Содиқов номли, Китоб районидаги Свердлов номли, Карл Маркс номли колхоз ва совхозларда ҳар гектар ердан силос учун олинган кўкпоя 73—118 центнердан ошмади. Ўз-ўзидан моллар рацион асосида парваришланмади. Шу каби камчиликлар туфайли вилоятда 41 хўжалик давлатга гўшт топшириш режасини бажармади. Совуққонлик, ўзибўларчилик туфайли Қарши ноҳиясидаги «Москва» давлат хўжалиги (директори Т. Боймуродов) 46 тонна, Деҳқонободдаги «Бошчарбоғ» совхози (директори У. Юсупов) 113 тонна, Усмон Юсупов номли давлат хўжалиги (директори И. Хожиқулов) 148 тонна, Китоб районидаги «Зарафшон» совхози (директори У. Шоназаров) 155 тонна, Шаҳрисабз районидаги «Коммунизм» колхози (бошқарув раиси А. Боймуродов) 75 тонна, «Ленинград» жамоа хўжалиги (раиси Г. Туробов) 40 тонна, Ленин номли колхоз (раиси Қўчқоров) 83 тонна кам гўшт топширди.

Текширишлар шуни кўрсатдики, муҳим масала юзасидан қарор устига қарор қабул қилинаётган бўлса-да, айрим раҳбарлар ҳамон ўз билганларидан қолишмаяпти. Гўшт етиштиришдаги мавжуд имкониятлардан ёмон фойдаланишмоқда. Ишни кўзини билган, пулни пулга уриштираётган омилкорлар қорамолларнинг тириқ вазни ўрта ҳисобда 450 килограммга етмаса қушхонага ўтказишмаяпти. Китоб районидаги «Навбаҳор», Косон районидаги «Ленинград», Ғузор районидаги Навоий номли совхозлар, Қамашидаги «Марксизм», Шаҳрисабздаги «Гулистон», Ленин номли колхозларнинг раҳбарлари эса ўйламай нетмай 100—136 килограммли молларни ҳам гўштга топшириб юборишган. Бу аҳволда қандай қилиб чорвачиликни жадал ривожлантириш, мўмай даромад олиш мумкин?! Мутахассислар, молбоқарлар фаолияти қатъий назоратга олинмаган. Айрим фермаларда сигир соғувчиларнинг умумий ишлаб, кўнгилли дам олишлари учун шароит яратилмаган. Шунинг учун 28 хўжалик сут тайёрлаш йиллик режасини уддалолмади. Ҳисоб-китобнинг йўқлиги, омилкорлик етишмаётганлиги сабабли айрим районларда, колхоз ва совхозларда маҳсулот таннархи ошиб бормоқда. Деҳқонобод, Чироқчи, Муборак районларида бу борадаги натижалар ташвишлидир.

Тармоқни ривожлантириш, маҳсулдорликни оширишнинг омилларидан яна бири белгиланган миқдорда бузоқ олишдир. Мазкур йўналишда ҳам ўзгариш кам. Жорий йилнинг ўтган ўн ой мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 450 бош бузоқ кам олинди.

Сабоқлардан етарли хулоса чиқарилмаяпти. Чорва қишловини ўтказишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Масъулиятли мавсумда колхоз ва совхозлар, хўжаликлараро корхоналарда 165,2 минг бош қорамол, шу жумладан 45,3 минг сигир, 719,3 минг қўй ва эчки, 45,5 минг чўчқа, 3,9 минг от ҳамда бир ярим миллион парранда парваришланаяпти. Мутахассислар фермалар, комплексларда бўлишганида шу қишли қировли кунларда сут совғиш аппаратлари, гўнг чиқариш, озуқани қайта ишлайдиган механизмлар, иситиш тармоқларининг 10—19 фоизи ишламаётганлиги аниқланди. Бу иш унумига салбий таъсир ўтказмоқда. Хўжаликларда жорий йилнинг октябрь ва ноябрида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,060 тонна сут кам соғиб олинди. Яккабоғ, Чироқчи, Шаҳрисабз, Қарши районларида сигирлар маҳсулдорлиги сезиларли даражада камайди. Сабаби, озуқа цехлари тўла унум билан ишлатилмаяпти, технологик жараёнларда аниқ маром йўқ, ижро интизоми суст.

Ўтган қишловда қатор колхоз ва совхозларда озуқа тақчиллиги сезилди. Қишчиқар кезлари қанчадан-қанча кишилар емиш қидириб сарсон бўлишди. Таъкидланганидек, бахтган қарши сабоқлардан хулоса чиқарилмади. Вилоятда режадаги майдонга озуқа экилмади. Дағал хашак ўтган йилдагидан кам жамғарилди. Ширали озуқа, силос, лавлаги етиштиришда ҳам қолоқликка йўл қўйилди. Эътибор қилинг, жами беда пичанининг 50,2 фоизи, силоснинг 65,5 фоизигина биринчи классга молик, қолгани сифатсиз. Лабораторияда қорамол қони текширилганида унинг таркибида зарур микроэлементлар етишмаслиги аниқланди.

Ульянов районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг чорвадорларини яхшилар қаторида санашади. Бу ерда бир сигирга кунига 50 килограмм силос, 5 килограмм синаж, 3 килограмм беда пичани, 10 килограмм лавлаги белгиланган. Ҳақиқатда эса беда ва сенаждан дарак йўқ. Рационга риоя этилмаётганлиги оқибатида ҳар говмишдан ўрта ҳисобда бир кунда 5 килограммдан сут олинмоқда, жониворлар касалликка чалинаяпти. Молхоналарни айланиб қизиқ манзаранинг устидан чиқдик. Бузоқлаган икки тарғил олдига 50—60 килограмм лавлаги ташлаб қўйилган. Ферма мудири У. Астановдан: бу қай усулда боқиш, шунча емиш моллар̀га зарар қилмайдими, деб сўрасак елка қисди. Озуқа цехида турли емишлар аралаштирилиб тўйимли озуқа тайёрланмаяпти.

Чорва қишловининг икки ярим ойи ўтган бўлишига қарамай кўпчилик хўжаликларда молларни қишки озиқлантириш рационига ўтилмаган. Ульянов районидаги бешта хўжаликда худди шу аҳвол. «III Интернационал» давлат хўжалигида бир говмишга 18 озуқа бирлиги ажратилибди, Қуруқ гап, расмиятчиликнинг нима фойдаси бор? Фикрлаш жараёнида бош зоотехник Қурбон Зарипов ўз соҳаси бўйича етарли билим, тажрибага эга эмаслиги равшан бўлди. Ачинарлиси шуки, ёш бузоқлар балчиққа беланган, қуруқ жой кўринмайди, охурлар синиқ. Тўрт ойлик бузоқлар фақат силос билан боқиляпти. Пировард натижада уларнинг кўпчилиги нобуд бўлмоқда. Умуман жорий йилнинг сўнгги икки ойи ичида Қашқадарё хўжаликларида 60 бош қорамол, 301 қўй ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўп нобуд бўлган, 81 қорамол, 179 қўй ва эчки мажбурий гўштга топширилган.

Нурали Аролов Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхоз бошқаруви раиси. Баҳром Ўринов — бош зоотехник. Улар чорвачиликни ривожлантиришга ҳамон панжа орасидан қарашаяпти. Фермада озуқадан тежаб-тергаб фойдаланилмайди. Рацион тузишда молнинг вазни, маҳсулдорлиги, зоти ҳамда озуқанинг тўйимлилиги ҳисобга олинмаяпти. Бир жониворга кунига 12,3 озуқа бирлигига тенг рацион тузилган. Ваҳоланки, 400 килограмм вазнли, кунига беш-олти килограмм сут берадиган сигирга 8,8 озуқа бирлиги зарур. Бу ерда эса 3,5 озуқа бирлиги ортиқча сарфланяпти. Оқибатда қанчадан-қанча емиш нишхўрдга чиқмоқда. Сигирлар маҳсулдорлигига қараб табақалаштирилмаган. Соҳибалар, молбоқарларга қулай шароит яратилмаган. Кайфиятга кўп нарса боғлиқ. Ферма ходималларида ишонч, иштиёқ сезилмайди. Ҳозирги кунларда семизлиги ўртадан паст, ориқ қорамоллар сони вилоятда икки ойда 420 бошга, қўй ва эчкилар сони 27 минг бошга кўпайди. Мутасадди кишилар ўзларини ўзлари алдаб, мушкул аҳволга тушиб қолганликларини афсуски кеч англадилар.

Чорвачилик — нозик соҳа. Молларни парваришлашда бироз бўшашувчанлик, масъулиятсизликка йўл қўйилдими, дарров кўрсаткичлар пасайиб кетади. Аҳволни ўнглаш учун эса ҳафталар керак бўлади. Худди шунинг учун воҳада сўнгги икки ойда ҳар сигирдан олинган сут ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40 килограммга камайди. Мазкур кўрсаткич Деҳқонободда 305, Усмон Юсупов районида 282, Чироқчида 51, Ғузорда 49 килограммни ташкил этди.

Бу ҳам етмаганидек, чорва молларини имижимида «сув қилиб юбориш» ҳоллари учрамоқда. 1991 йилнинг ўтган даври ичида қиймати 119 минг сўмлик қорамол, қўй-эчкилар, чўчқалар, паррандалар камомади аниқланди. Баъзи ҳотамтойлар республика Президенти фермонларидан устамонлик билан фойдаланиб, «аҳоли»га белгиланганидан кўп мол сотганлар.

Адолат юзасидан айтиш керак, Қашқадарё гўшт-сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг хўжаликлари ва корхоналарида иқтисодий кўрсаткичлар бирмунча яхшиланди. Айниқса, давлатдан 3,5 миллион сўм қарзи бўлган, ишчи-хизматчилари ойлар мобайнида маош ололмай келган Яккабоғ хўжаликлараро чорвачилик корхонасини танг аҳволдан чиқариш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилди. Бу ерда моллар сони 300 бошдан минг бошга етказилди. Келгусида корхонани 3,5 минг бош бўрдоқи боқиладиган йирик комплексга айлантириш мўлжалланаяпти.

Камчиликлар, етимини кутаётган муаммолар етарли. Хусусан, бирлашмага қарашли хўжалик ва корхоналар моллар бош сонини белгиланган миқдорга етказолмаяптилар. Чамаси омилкорлик, ташкилотчилик етишмаяпти. Ушбу муаммо ҳал этилса, гўшт етиштириш камида икки баравар кўпаяди. Иккинчидан, бирлашма айрим хўжаликларида яроқсиз сигир ва таналардан биттадан бузоқ олиб, сўнг уларни гўштга топшириш йўлга қўйилган. Бунинг шарофати туфайли 365 бош бузоқ олишга эришилди. Агар бу усул барча ерда қўлланилса, йилига қўшимча равишда 3—5 минг бош бузоқ олиш мумкин.

Қашқадарёда зотли моллар етиштириш, сунъий қочириш ишларини намунали йўлга қўйишга ихтиослашган 12 та бирлашма мавжуд. Лекин уларнинг фаолияти талабга жавоб бермайди. Айниқса Деҳқонобод район наслчилик бирлашмасида аҳвол ўта ташвишли. 23 нафар мутахассис ишни ўз ҳолига ташлаб, бекорга давлатдан маош олишяпти. Бўлмаса мавжуд бўлган 13 та сунъий қочириш пунктидан бор-йўғи иккитаси ишлаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Айрим жамоаларда мутахассислар қадрланмаяпти. «Кўкбулоқ» совхозининг директори малакали осеменаторни ишдан бўшатиб, унинг ўрнига етарли билим, тажрибага эга бўлмаган кишини қўйган. Бундай ўзбошимчаликка Чироқчи, Қарши, Деҳқонобод районлари хўжаликларида кўпроқ йўл қўйиляпти. Бир нарса мутахассисларни қаттиқ ранжитди. Аксарият хўжаликларда бузоқлар парвариши ачинарли ҳолда. 1990 йилда олинган бузоқларнинг қарйиб 20 фоизи касалланганди. Аҳвол бу йил ҳам ўнгланмади.

Етти хазинанинг бири — паррандачиликда ишлар яхшимас. Вилоят агросаноат уюшмаси бўйича давлатга тухум топшириш йиллик режаси. 70 фоизда қолиб кетди. Ўтган йилга нисбатан 49 минг донадан ортиқ тухум кам топширилди. Қамаши бройлер фабрикасида ўтган 11 ой ичида режадаги 1.340 тонна ўрнига 1.183 тонна парҳез гўшт етиштирилди. Тўғри, баъзи ўзрли сабаблар ҳам бор. Тақчиллик туфайли хўжалик Челябинскдаги Сосново паррандачилик фабрикасидан тухум сотиб олишга мажбур бўляпти. Маҳсулотни эл-таётган самолёт уч жойга қўниб, кўтарилади. Оқибатда тухумларнинг муайян қисми чайқалиб, жўжа очиришга яроқсиз бўлиб қолмоқда. Келтирилаётган аралаш ем ўта сифатсиз. Замонавий озуқа цехининг йўқлиги ҳам ишнинг белига тепаяпти.

Юқоридаги ташвишли манзара шунинг учун содир бўлмоқдаки, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши, ижроия комитети ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар зарбдор тармоққа панжа орасидан қараётган, ўзининг совуққонлиги, масъулиятсизлиги билан чорвага қирон келтираётган раҳбарлар ва мутахассислар фаолиятига ҳар доим ҳам принципиал баҳо бермаяптилар. Давлатга етказилаётган катта миқдордаги зарар айбдорлар чўнтагидан ундириб олинганда эди, улар хизмат бурчига тамоман бошқача муносабатда бўлишарди.

Хавотирлик бор: колхоз ва совхозларда озуқа бу йил ҳам тақчил. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳайъат мажлисида таъкидланганидек, қатъий ҳисоб-китоб йўлга қўйилиши керак. Емишни буғлатиб берадиган, ғалла, сунъий сут тайёрлайдиган агрегатлардан ҳар қачонгидан унумли фойдаланиш лозим. Шунда 1 тонна озуқадан 150—200 килограммини иқтисод қилиш мумкин. Хўжаликларда кўпгина ғаламлар майдаланмай ювилган. Оқибатда қорёмғир остида уларнинг ўрта ҳисобда 17 фоизи, силоснинг 20 фоизи нобуд бўлиши таъкидланмоқда. Бунинг олдини олиш учун ғаламлар брезентлар, плёнкалар билан яхшилаб ёпиб қўйилиши керак.

Воҳа чорвачилигида юзага келган аҳвол ҳар бир раҳбар, мутахассис, ходимдан зўр омилкорлик, фидойилик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлашни тақозо этади. Ижро интизомини мустаҳкамлаш, барча ерда юксак масъулият, талабчанлик муҳитини мустаҳкам қарор топтириш даркор. Акс ҳолда зарбдор тармоқдаги ишлар тамоман орқага кетади.

Т. ҒАНИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги чорвачилик бошқармаси бошлиғи.

М. ҚАЮМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» махсус мухбири.

ЧОРВАЧИЛИК: ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК ОҚИБАТИ

Сарҳисоб

ДЕҲҚОН БЕДОР



Хўжалигимиз Баҳрин қишлоғининг жасур фарзанди — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Элибой Қорабоев номи билан аталади. Қаҳрамон юртдошимиз кўп йиллар хўжалик бошқарувига раислик қилган, деҳқончилик маданиятини юксалтиришга, ҳосилдорликни оширишга, хўжалик аҳолисининг турмуш даражасини кўтаришга катта улуш қўшган. Элнинг ҳурмат-эътиборини қозонган. Кўпларга устозлик қилган. Эндиликда хўжалигимиз марҳум устозимиз номи билан аталиши ҳаммамизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Рости, бу йил ҳақиқатан ҳам деҳқончилик йили бўлди. Табиат баҳорда бироз инжиқлик қилганини ҳисобга олмаганда жорий йил хосиятли келди. Бу, айниқса, пахтакорларимиз режаларни ошириб билан адо этишига катта имконият яратди. Куз бизга қарашди.

Хўжалигимиз деҳқонлари бу йил 731 гектар майдонга чигит қадашди. Чигитнинг «Самарқанд-3» ва «Қирғиз-3» навлари экилди. Ўтган — 1990 хўжалик йилида пахтакорларимиз 858 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар ер ҳисобига 32 центнердан ҳосил йиғиб олишганди. Бу йил эрта кўкламда имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, режани 1937 тонна қилиб белгиладик.

Деҳқонларимиз кўкламнинг дастлабки юмушидан тортиб пахта йиғим-теримигача бўлган давр мобайнида эзгу ниият билан меҳнат қилишди. Хўжалигимиздаги 13 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасида мўл ҳосил учун кураш қизғин тус олдирилди. Айниқса, Юсуф Жуманазаров, Носир Нормуродов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Отақул Шомуродов, Оқбўта Нурматов, Абдураззоқ Бозоров ўртоқлар етакчилик қилган бригадалар жамоаси пешқадамлар сафида боришди. 600 гектар майдондаги ғўза ниҳоллари эса машина теримига мослаб парвариш қилинди.

Астойдил қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Далаларимизда мўл ҳосил тўпланди. 20 сентябрда теримга киришдик. Бунда Қўшмурод Бозоров 230, Зайниддин Суяров 206, Фахриддин Эшқувватов ва Карим Сафаровлар 200, Жўрақул Ҳимматов эса 195 тонналик ўз улушлари билан хирмонга барака киритдилар. Теримчиларимиз ҳам сафарбарликнинг олдинги сафларида боришди. Маҳфуза Ражабова, Толлой Худойбердиева, Зулфия Суярова, Райҳон Мамарасулова, Сайёра Қосимова, Моҳия Худоёрова, Меҳринисо Нурниёзова сингари илғорлар мавсумда хўжалик хирмонига 6—8 тоннадан дурдона териб тўкишди.

Хўжалигимиз пахтачиликдан режада кўзда тутилганидан 101,9280 сўм кўп даромад олди. Ҳосилдорлик 35 центнерга етди.

Далалардаги ҳосил йиғиб олингач, кузги тадбирлар ҳам муваффақиятли адо этилди. 11 та ҳайдов трактори билан барча майдонлар ўн иш кунида сифатли шудгорлашдан чиқарилди. Илҳом Турдимуродов, Шуҳрат Мадатов, Суюн Шукуралиев ва Бозорбой Аллоновлар бу ишда жонбозлик кўрсатишди. Гектарига 10 тоннадан маҳаллий ва минерал ўғит сочилди.

Деҳқон учун қиш бекорчилик эмас. Далалар бедор, унинг соҳиби — деҳқон бедор. Айни вақтда қишки тадбирларни амалга ошириб, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин ҳозирламоқдамиз. Хўжалигимизда маҳаллий ўғит жамғариш бўйича махсус бригада тузилган. Унга 25 та техника улови ажратилган бўлиб, далаларга ўғит чиқариш ва гўнгни ернинг шароитидан келиб чиққан ҳолда тақсимлашда бу махсус бригада жамоаси тадбиркорона иш тутишаяпти. Эл ерни тўйдирса, ер элни тўйдиради. Тўкинчилик ва ҳосилдорлик шарофати шундан.

Шу кунларда хўжалик иқтисодчилари ва ҳисобчилари эришилган натижаларни сарҳисоб қилишмоқда. Маълумотларга кўра, хўжалигимиз аъзолари меҳнатларига яраша мўмай-мўмай ҳақ оладилар. Манфаатдорлик ошади.

Қ. МАМАСОЛИЕВ,
Иштиҳон районидаги Элибой Қорабоев номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.

КАРВОН ЙЎЛГА ТУШДИ

Сурхондарёликларни зарур истеъмол моллари билан таъминлаш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг режадан знёдини бозор баҳосида бошқа ҳудудларда сотишни ўз зиммасига олган «Термиз» мол-ҳом ашё биржаси иш бошлади. Яқинда шаҳардаги ижтимоий марказ уйида биржанинг таъсис маросими ҳамда биринчи кўргазма савдоси ташкил этилди.

Оққан дарё оқмасдан қолмас деганларидек, қадимда Термиз ғарбдан шарққа, жанубдан шимолга савдо карвонлари ўтиб турган Буюк ипак йўлида чорраҳа бўлганлиги тарихдан маълум. Термиз ҳозир ҳам бир йўла тўрт давлат — мустақил Ўзбекистоннинг барча вилоят ва шаҳарларига, қўшни Афғонистон, Тожикистон ва Туркманистонга чиқишида ўзига хос дарвоза ролини ўтайди. Шу жиҳатдан қараганда, биржанинг ташкил этилиши вилоят ижтимоий ҳаётида муҳим воқеадир. Унга қизиқувчилар беҳисоб. Дастлабки савдо бозорига вилоятдаги кўпгина хўжалик раҳбарлари, қурилиш, саноат ҳамда транспорт корхоналарининг вакиллари ташриф буюришди. Улар илк марта ўзлари учун зарур молларни танлаш ва харид қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Маросимда қўшни Афғонистон Республикасининг Балх вилояти губернатори Муҳаммад Азиз, Тожикистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Ҳабибулла Саидмуродов, «Тошкент» биржаси директори ўринбосари Афзал Тўхтаев, шунингдек, Воронеж ҳамда Санкт-Петербург шаҳарларидан келган вакиллар иштирок этишди. Кенг залда эса вилоят маҳаллий корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, Қўмқўрғон районидаги Гагарин номли наслчилик заводида етиштирилган сур қорақўли териларидан намуналар, Олтинсой майизи, «Термиз» давлат хўжалигида етиштирилган лимонлар қўйилган.

Маклер Бозор Зиёев савдо-сотиқ тартибини тушунтиргач, асосий ишга ўтилди. Бунда 20 дан ортиқ брокер қатнашиб, харидорлар эътиборига 200 миллион сўмликдан зиёд қурилиш материаллари, бетон конструкциялар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, транспорт, машина ва механизмлар, ҳисоблаш ускуналари, ёқилғи-мойлов материаллари, қоғоз, ёғоч-тахта таклиф этилди. Биринчи ва энг кўп мол харид қилганларга қимматли буюмлар туҳфа этилиши эълон қилингач, савдо-сотиқ қизиб кетди. Айниқса пишиқ ва чидамли саноат ғиштига талаб катта бўлди. Унинг минг донаси 400 сўмдан деб эълон қилинганда 9003 рақами ёзилган қоғоз кўтарилиб, маҳсулотга харидор чиқди. Шу тарқа 100 минг дона саноат ғишти республика «Стройматериал» бирлашмасига борадиган бўлди. Биринчи харидорлар Бахтиёр Юнусов, Маннон Ҳасановларга «Горизонт» рангли телевизори бепул тақдим этилди.

Мустақил жумҳуриятимизда яна бир савдо карвони — «Термиз» биржаси хайрли сафарга чиқди. Халқ фаровонлигини оширишга ҳисса қўшишни дилга тукан ишбилармон тижоратчиларга омад тилаймиз.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ШАРТНОМА АСОСИДА

Урганч сут-ёғ-мой заводи билан Самарқанд сут комбинати ўртасида мустаҳкам амалий алоқа ўрнатилди. Хоразмдан кўҳна шаҳарга жири йўқ шўртанг пишлоқнинг дастлабки тонналари юборилди.

Урганчда унга талаб йўқ эди. Шу сабабли кам ишлаб чиқарила бошланган эди. Унинг хом ашёси ҳисобланган ёғи олинган сутни эса завод фермаларга бузоқларни боқиш учун деярли текинга берарди. Энди ҳамма нарса ўзгарди — ундан фойдаланишнинг самарали йўли топилди. Самарқанд комбинатида бу маҳсулот «колбаса» пишлоғи ишлаб чиқариш учун асос бўлди. Ўзаро фойдали шартнома тузилди. Самарқандликлар урганчлик ҳамкасбларига ана шу маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ёрдам берадилар.

Чет элларда

ЎРТА ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ АФҒОН МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШИ КЕРАК

ИСЛОМОБОД. (ТАСС мухбири Николай Семененко). Келгуси йилнинг январь ойида Покистон билан Россия Федерацияси сиёсий, иқтисодий ва илмий соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида кенг қамровли битимни имзолайдилар. Россия вице-президенти Александр Руцкойнинг Покистонга амалий ташрифининг сўнгги кунида — якшанба куни томонлар ана шундай битимни маъқуллладилар. «Ассошиэйтед пресс оф Пакистан» ҳукумат ахборот бошқармасининг бугун хабар қилишича, бу ҳақда мамлакат Ташқи ишлар вазирлигининг Бош директори Акрам Заки маҳаллий журналистлар гуруҳи билан суҳбат чоғида айтган.

Акрам Заки Россия вице-президентининг ташрифи натижалари тўғрисида гапириб, уни «икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги даврнинг бошланиши» деб атади. «Ташриф олий даражада муваффақиятли ва фойдали бўлди. У иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мустаҳкам икки томонлама ҳамкорлик учун негиз яратди», — деб таъкидлади Покистон Ташқи ишлар вазирлигининг раҳбари.

Акрам Заки собиқ Совет Иттифоқида юз бераётган ўзгаришлар ва Покистон билан Афғонистонга қўшни мустақил республикаларнинг вужудга келаётганлиги «Афғонистон можаросини ҳал этишга янги мезон бағишлайди», деган фикрни ҳам айтди. Ўрта Осиёдаги давлатлар Афғон муаммосини сиёсий ҳал этишда тўла иштирок этсалар мантиқан тўғри бўлур эди, деб таъкидлади у. «Биз Ўрта Осиёдаги барча мамлакатларнинг бошлиқларини Покистонга ташриф буюришга таклиф этдик ва улар билан, агар қизиқиб қарасалар, шу масалани биргаликда муҳокама қилмоқчимиз», деди Покистон Ташқи ишлар вазирлигининг Бош директори.

ИТАЛИЯ ҲУКУМАТИГА МУРОЖААТ

РИМ. **(ТАСС мухбири Александр Голованов).** РСФСР Президенти Борис Ельцин Римга ташрифи чоғида Италия ҳукуматига мурожаат қилиб, КПССнинг «яширин жамғармалари тўғрисидаги ишни — Ғарб мамлакатларидаги бир қанча коммунистик партияларни, шу жумладан шу йилнинг бошида тугатилган Италия коммунистик партиясини пул билан таъминлашга доир ишни текширишда кўмаклашишни илтимос қилди. Италия социалистларининг рўзномаси «Аванти!» Италия социалистик партияси расмий вакили, парламентнинг депутатлар палатаси аъзоси Уго Интининнинг гапларига асосланиб бугун шу ҳақда хабар қилди.

Унинг гапларига қараганда, «Ельцин жуда нозик ва кечиктириб бўлмайдиган муаммони ўртага қўйди», бу муаммонинг моҳияти қуйидагича: Москвадаги барбод бўлган август исёни қатнашчилари тергов чоғида катта миқдордаги пул КПСС кассасидан ҳозир амал қилиб турган ёки йўқ бўлиб кетган компартиялар номига, Ғарбдаги баъзи мамлакатлар банкларидаги яширин ҳисоб варақаларига ўтказилганлигини тасдиқладилар. КПССнинг собиқ раҳбарлари, уларнинг вакиллари ёки воситачилари — одамлар ҳам, ташкилотлар ҳам ана шу ҳисоб варақаларидаги пулни олишлари мумкин. «Россия Республикасининг раҳбарлари, — деб давом этди У. Интини, — пулни ана шу тарзда ўтказишни ғайриқонуний деб ҳисоблайдилар, чунки бу пуллар рус кишиларидан тортиб олинган эди, шу сабабли Италия маъмурларидан Италияга ўтказилган пулларни излаш ва уларни қайтаришда кўмак беришни илтимос қилмоқдалар».

«Ҳукумат Б. Ельциннинг илтимоси юзасидан ўз бурчини тўла-тўкис бажаради», деди Италия Ички ишлар вазири Винченцо Скотти Италия социалистик партияси назоратидаги АДН—Кронос ахборот бошқармаси мухбирига. Италия ҳукумати ихтиёрида нималар борлигини аниқлашимиз биланоқ Россия вакилларига жавоб қиламиз, деди вазир.

УЙНИ БЎШАТИБ БЕРИШДИ

СОФИЯ. **(ТАСС мухбири Игорь Мишакин).** Бугун Болгария социалистик партиясининг Олий Кенгаши ҳалигача партия уйи деб аталиб келинаётган ўз биносини тарк этади. Болгария социалистик партиясининг 40-съезди қонунга мувофиқ шундай қарор қабул қилганди. Бу қонунда 1944 йилнинг 9 сентябридан кейин социалистик партияга мансуб бўлган бор молмулкнинг ҳаммаси ғайри қонуний деб эълон қилинади. Болгария социалистик партияси Олий Кенгашининг раиси Жан Видеинов билан социалистик демократия учун кураш парламент уюшмасининг раиси Нора Ананиева сешанба куни журналистлар билан бу ерда бўлган учрашувда шуларни айтишди.

Болгария социалистик партияси ўз уйини фан ва маданият эҳтиёжлари учун беради, деди Ж. Видеинов. Партия раҳбарияти бинони тарк этади, лекин уйдаги партия ҳужжатхоналарини олиб чиқиб кета олмайди. Ҳужжатхона учун мос бино зарур. Шу муносабат билан сешанба куни Болгария социалистик партияси раҳбарияти, Болгария Вазирлар Кенгашининг раиси Филип Димитров билан учрашди.

Болалари баркамол элнинг келажаги порлоқ бўлади. Бу борада Фарғона вилоятида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Киров районидаги «Бешариқ» давлат хўжалигида янги қурилиб, ишга туширилган болалар боғчаси ана шу ғамхўрликнинг бир кўринишидир. 40 нафар жажжиларни ўз бағрига олган тарбия маскани кичкинтойларнинг яйраб ўйнашлари, мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароитларга эга. Меҳрибон тарбиячилар ва энагалар болалар атрофида парвона.

СУРАТДА: тарбиячи Санъат Пўлатова тайёрлов гуруҳида машғулот олиб бормоқда.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

ЭРМАН—МИНГ ДАРДГА ДАРМОН

Едимда. Болалик пайтларим агар арими ёки бошқа бирор ҳашарот чақиб олса, раҳматлик ойим: «Эрман баргини юлиб, эзғилаб сургин», — деб тайинлар эдилар. Суртгандан кейин оғриқ ҳам тезда камаярди, шиш ҳам унчалик катта бўлмасди. Шу-шу бу ажойиб гиёҳга эътиборим ошди.

Ватанимизда эрманнинг (баъзан уни шувоқ деб ҳам аташади) 100 дан ортиқ тури учрайди. Ҳозирча 5—6 хили илмий тиббиёт эҳтиёжлари учун қўлланилади. Тиббиётда кенг қўлланиладиган тури-аччиқ эрман бўлиб, у Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида ўсади. Аччиқ эрман, кўп йиллик ўт. Поясининг бўйи 1—1,25 метрга етади. Яхшигина шохланган ўқ илдизи бор. Пояси тик ўсувчи, қиррали, барглари йирик. Улар кулранг тусда. Тўпгуллари сариқ рангли ва саватча шаклида бўлади.

Меваси —қўнғир тусли, чўзинчоқ. 1.000 дона уруғининг вазни 0,1 грамм келади. Бу ўсимлик ўзига хос ҳидга эга, июнь-июлда гуллаб, август-сентябрь ойларида уруғи пишади.

Шифобахш маҳсулот сифатида ўсимликнинг ер устки қисмидан фойдаланилади. Эрман поясининг 20—30 см узунликдаги учки қисми гуллаган даврида йиғиб олинади, салқин жойда қуритилади.

Улуғ ҳаким Абу Али ибн Сино эрмандан юз рангини тозалаш, эшакем, қулоқ оғриғи, кўз оғриғи, сариқ, меъда, жигар, бавосил, иситма каби хасталикларни даволашда, иштаҳа очувчи, сароб ҳайдовчи, гижжа туширувчи, заҳарга қарши таъсирларга эга восита сифатида кенг қўлланиб келган.

Ҳозирги замон илмий тиббиётида ундан иштаҳа очувчи восита сифатида кенгроқ фойдаланмоқдалар.

Қолаверса, у аллергия, уйқусизлик, гастрит, дерматит, гепатит, грипп, ўт йўли ва буйрак тошлари, қичима, экзема каби хасталикларга шифо бўлаяпти.

Эрман дамламасини тайёрлаш учун бир ярим стакан қайноқ сув устига 2 чой қошиқ ўсимлик маҳсулоти солиб, термосда дамланади.

Уни сурункасига узоқ вақт мобайнида истеъмол қилинганда кўнгил озиши, қайт қилиш кузатилади ва камқонликнинг ривожланишига олиб келади. Шу боис шифокор маслаҳати билан фойдаланиш зарур.

Шотурсун УСМОНОВ,
доришунос.

ҚУМҚАЙРОҚ ШОЙИСИ

Қумқайроқ қишлоғида шаҳрихондаги шойи тўқиш фабрикасининг бўлими очилди. Унга машина-трактор паркидаги бўш жой ажратиб берилди. Ана шу жойлар фабрикага мослаштирилгач бу ерда 42 та тўқув дастгоҳи ўрнатилди. Яна ўттизта дастгоҳни ўрнатиш ва созлаш тугалланмоқда.

Бу дастгоҳларда маҳаллий мактабларни битирган қизлар ишлашади, улар ҳозир Шаҳрихондаги бош корхонада касб ўрганишяпти. Қумқайроқ қишлоғидаги бўлимда ишлайдиган тўқувчилар сони икки юз кишига етади.

Жамоанинг биринчи навбатдаги вазифаси шойи газламалар хилларини кўпайтиришдан иборат. Келгусида бу ерда маҳаллий материаллардан тикувчилик бўюмлари ишлаб чиқарадиган корхона қуриш режалаштирилмоқда.

СОПОЛ БЕЗАК

Хивадаги бадиий сопол буюмлар заводидаги янги цехда ускуналарни ўрнатиш тугалланди. Бир неча ишлаб чиқариш бинолари ва ёрдамчи иморатлардан, тозалаш қурилмалари ва қозонхонадан иборат бўлган бу цехни «Хоразмагростроой» бирлашмасига қарашли Хива механизациялашган колоннасининг жамоаси қурди. Цехга ускуналарни итальян фирмаси етказиб берди. Фирма вакиллари юқори унумли печларни, шакл берувчи машиналарни и ўрнатдилар ва созладилар, маҳаллий ишчиларни шу ускуналарда ишлашга ўргатдилар.

Янги цех корхона ишлаб чиқариш ҳажмини учдан бир баравар кўпайтиришга имкон беради, маҳсулот турларини хилма-хил қилади. Бу ерда аҳоли севиб харид қиладиган лаганлар, кўзалар, гулдонлар, эсдалик буюмларидан ташқари сопол тақинчоқлар — чиройли кулонлар, сирғалар, узуклар тайёрланади.

КИТОБ ЖАВОНИГА

КЎНГИЛ МУЛКИ

Каттақўрғон шаҳар газлаштириш идорасининг муҳандиси Инатулла Рустамов кўп йиллардан бери қалам тебратиб келади. Икки йил муқаддам ҳаваскор ижодкорнинг «Морқоч воқеаси» драмаси Каттақўрғон театрида саҳналаштирилган эди. Яқинда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг Самарқанд бўлими унинг «Кўнгил гулзори» шеърий тўпламини босиб чиқарди. Уни варақлаган ҳар бир китобхон гоҳ ўзини гуллар чаманзорида, гоҳ гўзал табиат қўйнида ҳис этади. Қаламкаш назмида ҳаётдан, бахтдан масрурлик янграйди. У беғубор ёшликни, севги-муҳаббатни завққа тўлиб куйлайди.

Китобчага И. Рустамовнинг ўттиз йиллик ижодидан энг саралари жамланган.

Фарғона пойабзал фабрикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар пишиқ ва чидамлилиги билан ажралиб туради. Шу туфайли уларга талаб катта. Корхонада технологик жараёнларни такомиллаштириш диққат марказида тутилаётир. Яқинда барча цехлар қайта жиҳозланди, эски техникалар юқори қувватли чет эл асбоб-ускуналари билан алмаштирилди. Бу эса меҳнат унумдорлигини ошириш имконини бермоқда. Янги йилда 147,9 миллион сўмлик замонавий пойабзал ишлаб чиқариш режалаштирилаяпти.

СУРАТДА: лойиҳачи-модельерлар Т. Потапова (чапдан) ҳамда И. Раҳматжонова.

Ш. АЛИМОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

28 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».
*
9.00 «Қувноқ сеҳргарлик». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
10.05 «Биргаликда куйлаймиз».
10.35 Э. Воҳидов. «Олтин девор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
12.35 «Оналар мактаби».
13.05 «Соҳибкорлар ҳиммати».
13.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Учқун».
14.30 Ўзбекистон Давлат телерадиоси хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти.
15.00 «Юксалиш йўлидан».
15.30 «Муборак газчиларнинг Янги йил совғаси».
16.00 «Ўзбекнефть». Ҳужжатли фильм.
* * *
18.00 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
18.45 «Ҳиндистондаги учрашувлар». Кинокўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Санъат оламы». Ўзбекистон халқ рассоми Холиқул Ҳайдаров.
20.30 «Истиқлол йўлида».
21.00 «Ҳафтанома».
22.00 «Ялла» ансамблининг концерти. В. И. Ленин номидаги Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган.
23.30 «Севгим менинг — андуҳим менинг». Бадиий фильм.
01.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШХОБОД КЎРСАТАДИ:

11.05 Спорт кўрсатувлари.
12.05 «Характерлари тўғри келмади». Бадиий фильм.
13.25 «Яхшилик қил».
14.10 «Ватан ҳимоячилари».
* * *
17.05 «Овоз». Мусиқий кўрсатув.
17.50 «Ғунча».
18.20 «Етгинжек». Усмирлар учун Янги йил кўрсатуви.
19.20 «Катта йўл». Видеофильм.
20.00 «Туркманистон».
20.15 «Кичкинтойлар, сизлар учун».
20.30 Туркманистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мурод Ниёзов куйлайди.
21.00 «Туркманистон».
21.30 Москва. Информацион программа.
22.05 «Илҳом».

● МТ

«Орбита IV»

7.00 Мультфильмлар: «Қизча ва дельфин», «Ғаройиб матч».
7.30 Ритмик гимнастика.
8.00 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
9.00 TCH.
9.20 «Сиз яратган боғ».
9.50 Инсон институти.
10.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви.
11.00 «Мусиқий дўкон».
11.30 Экологик хроника.
11.45 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
13.00 «Марказ».
13.45 Режиссёр М. Калик фильмлари. «Нарх-наво» («Экран»).
15.35 «Веди».
*
16.20 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Ўн икки ой» («Союзмультфильм»).
17.30 «Бир боқишда муҳаббат». Биринчи кун.
18.15 «Бонг».
19.30 «Майя арриси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 26-серия.
20.00 «Кинопанорама».
21.30 Информацион программа.
22.05 «Аншлаг Қримда».
00.05 «Европа плюс».
01.05 TCH.
01.20 «Феликс» — «Оскар»нинг Европадаги оғаси».
02.50 «Тунги феерия».

● МТ

«Дубль IV»

8.30 Эрталабки бадантарбия машқлари.
*
8.45—13.30 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
8.45 «Бурч» кўрсатуви.
9.30 «Кинонўзгуда — ҳаёт».
10.20 «Ўзбекистон: тикланишнинг ўз йўли».
11.50 «Ўзлигингни бил».
*
13.30 Театр гурунги. «4-девор» театри (Санкт-Петербург).
15.30 «Асраб, авайла».
16.30 «Ўз қўнғироқхонасидан».
16.50 «Янги Пигмалион».
17.35 «Аты-баты...». «Эътибор беринг».
18.05 «Рождество пироги».
18.20 «Булгаков тевараги да». 5-кўрсатув.
19.20 РСФСР Олий Кенгашининг сессиясида.
19.40 «Познер ва Донахью».
20.30 Хабарлар.
20.50 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.05 «Оқ қарға».
22.05 «Авлодлар». Телевизион турнир премьераси 1-фильм.
22.25 Театр сафари. Катта драма театри: кеча, бугун, эртага. «Е. Лебедев, В. Стржельчик, О. Басилашвили ва бошқалар». 2-қисм.
23.30 Хабарлар.
23.50 «Росмузимпорт». Байрам сони.

БИККС

Сизнинг муваффақиятингиз умумий ишимизга хизмат қилади!

Сизнинг бирон-бир маҳсулотни — ускуналар, хом ашё, транспорт воситасини сотиб олиш ёки сотиш билан, у ёки бу хизмат билан боғлиқ муаммоларингиз бўлса,

«БИККС-АЛИНА» БРОКЕРЛИК ФИРМАСИ УЛАРНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШГА ТАЙЁР!

«БИККС-АЛИНА» брокерлик фирмаси мамлакатимизнинг энг йирик 8 фирмасида: Россия мол-хом ашё, Москва мол фирмаларида, Россия деҳқончилик биржасида, «Санкт-Петербург» биржасида, Бутунроссия кўчма мулк биржасида, «ТОШКЕНТ» универсал мол биржасида, Қирғизистон мол-хом ашё биржасида, Россия ўрмон биржасида ўз идораларига эга. Шунингдек, «БИККС-АЛИНА» турли биржалардаги яна 18 та брокерлик идоралари билан ҳамкорлик қилади.

Ахборот-брокерлик хизматига узоқ муддатли шартномалар тузилган тақдирда «БИККС-АЛИНА» фирмаси ўз мижозларига брокерлик фоизидан маълум қисмини чегириб ташлайди, олди-сотди тугаганидан сўнг 24 соат мобайнида уларни биржадаги нархлар, моллар, хизматларга доир тўлиқ ахборотлар билан таъминлайди.

Бозорни яхши билиш, кенг алоқалар, тажриба брокерлар ва самимий муносабатлар муаммоларингизни биргаликда ҳал қилишимизга ёрдам беради.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент-146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.

Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.

Тошкентдаги телефакс: 8-3712-90-41-97.

«БИККС-АЛИНА» УЮШМАСИ.

ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ— ФИРМАНГИЗ ҚИЁФАСИ

ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ — АЪЛО ҚАЙФИЯТ, АЪЛО БИЗНЕС ДЕМАКДИР.

АГАР СИЗ ХИЗМАТ ХОНАНГИЗГА ҚАҲВАХОНА ЁКИ КОНЦЕРТ ЗАЛИНГИЗГА ЗАМОНАВИЙ ВА ЎЗИГА ХОС ҚИЁФА БАҒИШЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ.

«БИККС-АЛИНА» УЮШМАСИ

СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ

БИЗ ТУРЛИ-ТУМАН МАНЗАРАЛИ ПАРДОЗЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИДАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ:

темир ва чарм билан пардозланган девор панеллари;

тилларанг ва оқ тусли алюминийдан турли бадиий услубларда ясалган осма шиплар;

ўзига хос шаклдаги шамчироқлар. Улар девор ва шиплар нинг металл безаклари билан яхши уйғунлашиб кетади, хона ўзига хос ёритилади.

Маҳсулотларимиз енгил йиғилади, улардан фойдаланиш осон, узоқ вақт хизмат қилади.

Ўз уйим ўлан тўшагим, дейишади. Аминмизки, «БИККС-АЛИНА» фирмасининг жиҳозлари билан безатилган хоналар сизга ғоят ҳузур бағишлайди.

Манзилимиз: Тошкент — 146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.

Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.

«БИККС-АЛИНА» УЮШМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТДАГИ «УЧҚУН» ТЎҚИМАЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

ихтисос бўйича камида 5 йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган бош ҳисобчи ўринбосари ва молиячи

КЕРАК

Бош ҳисобчи ўринбосарининг ойлик маоши — 500 сўм ва бунга 50 фоиздан 70 фоизгача мукофот пули, молиячининг ойлик маоши — 400 сўм ва бунга 50 фоиздан 70 фоизгача мукофот пули қўшиб берилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 53-уй, телефон 54-73-77.

Бизнинг Ўзбекистон автомобиль йўллари банки тижорат банкидаги ҳисоб рақамимиз 000345651, маблағларнинг банк бўлимлари аро айланиш рақами МФО 172682705. Тошкент шаҳрида Республика давлат банки муомала бошқармасидаги ўзаро алоқа боғлаш рақами (кор/с) 700161405.

Гулқайчи

ОҒЗИДАГИНИ ОЛДИРАЁТГАНЛАР

«Каршистрой»га қарашли «ОХЖДТ» идорасининг бошлиғи Ғофур Бўриев туш кўрди. Нима эмиш, ташкилотнинг кассасига ўғри тушиб, ишчи-хизматчилар учун банкадан келтирилган маошпулини ўмариб кетган эмиш. Ҳовли милиция ходимларига тўлган. Бўриев бош инженер Т. Абдуқодиров билан биргаликда милиция майорига ёлвориб илтижо қилар эмиш: «ҳаракат қилиб ўғрини тезроқ ушланглар, ишчи-хизматчиларга маош бермасам улар мени тинч қўйишмайди...

Сесканиб уйғонса туши экан. Хайрият ўнгим эмас экан, деб ўзича шукрлар ўқиди. Лекин кўнглидаги хижиллик барибир тарқамади. Негаки, тонгда кўрган туши бехосият эканини биларди. Миршаб бошлиғига эланиши кўнгил хираликни бошлаб келса керак. Бошлиқ Ғ. Бўриев идорасига келиб, иш жойини эгаллаши билан телефон жиринглади. Қарши темир йўл товар станциясидан деб ўзини таништи алоқанинг иккинчи учидаги суҳбатдош. 1991 йилга якун ясаяпмиз. Сиз бошқарган ташкилот йил бошидан бери 9626 вагондан фойдаланди. Ишчиларингиз ҳар бир вагонни нормадаги 6,5 соат ўрнига 10,6 соатдан ушлаб турган. Натижада ўн бир ойда ташкилотга 371198 сўм жарима солинганди. Декабрь ойида бўш ушлаб турилган вагонлар учун солинган жарима пули ҳам қўшилса, бу миқдор 400 минг сўмга етиб боради.

Қарши темир йўл товар станциясининг бошлиғи жарима пули миқдорини бир-бир исботлаб, бошлиқнинг бўйнига тумордек илди. Сўнг «йил якунланаяпти, аниқланган жарима пулини кечиктирмай жамғармамиз ҳисобига ўтказинг» деб сўзини тугатди. Ғ. Бўриев телефон трубкасини шарақлатиб қўйди. Ниҳоят кўрган тушининг таъбири аён бўлди. Чиндан ҳам жарима миқдори ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошига таъсир қилади. Жамоа пулини у ўз қўли билан темирйўлчилар кассасига солиб қўяди. Шунисига ҳам шукр дерди бошлиқ. Агар шунча пулни чиндан ҳам ўғри ўриб кетгандами жумҳуриятда овоза бўларди. Ҳар куни уни милиция, прокурор чақириб, безор қиларди. Ҳозир имижимида пулни тўлаб юборишади. Биров билади, биров билмай қолади.

Биз юқорида зикр қилган совуқ ва хунук тушлар ўша куни ўндан ортиқ қурилиш ташкилотларининг бошлиқларини ҳам безовта қилди. Масалан, Қарши уйсозлик комбинатининг директори Ғулом Умаров ва бош муҳандис Иброҳим Абдураззоқов ҳам уйқудан нохуш уйғонишди. Ўша куни унга ҳам темир йўлчилар телефон қилгач, тушнинг таъбири аён бўлди. Бу корхона ўн бир ой учун 57.447 сўмни жарима пули сифатида қуртдек санаб беради. Корхона ўзига ажратилган 531 вагоннинг ҳар бирини нормадаги 1,8 ўрнига уч соатдан ушлаб турган. «Эскиангарканалстрой» 26.468 сўм, «Қашқадарьяводстрой»га қарашли УПТК эса 29.292 сўм, 13-қурилиш трестига қарашли УПТК 29.680 сўм жарима пулини жарақлатиб темирйўлчиларга санаб беришлари керак. Жами 40 га яқин қурилиш ташкилотларидан бу йил темирйўлчилар кассасига ярим миллион сўм жарима пули келиб тушади.

Эсиз, шамолга учирилган бу пуллар. Қурилиш ташкилотларининг пул топиши жуда оғир, машаққатли кечиши ҳаммамизга аён. Улар қишин-ёзин, жазирама саратон қуёшида ҳам, қишнинг қаҳратонли кунларида ҳам бирдек очиқ ҳавода, ҳавозалар тепасида туриб иншоотлар бунёд этадилар. Тонналардан граммларни, сўмлардан тийинларни тежаб даромад, фойда ҳосил қиладилар. Қурилиш ташкилотларини бошқараётган айрим кимсаларнинг совуққонлиги сабабли бинокорлар пешона тер тўкиб топган маблағларнинг каттагина қисми жарима учун ўтказилаяпти, яъни шамолга учирилаяпти. Наҳотки, бундан улар хулоса чиқариб олмаяптилар. Жарима тўлаш қачонгача кор қилмайди.

Б. ҚАҲҲОРОВ.

ҚОРА КЎЗЛАР НИҒОРОН

Йўлингиз тушиб, Фарғонага бориб қолгудек бўлсангиз, Қори Ниёзий номли 30-ўрта мактабга қадам ранжида қилишни унутманг.

Нега дейсизми?

Бир пайтлар бу мактаб район маориф бўлимига қарарди. Унда унга ҳеч ким эътибор бермасди. Сабаби мактаб район марказидан четда эди-да. Энди-чи?

Бир ярим йил бўлди, ана шу мактаб шаҳар халқ таълими бўлими ихтиёрига ўтди. Шаҳар мактабига айланган бу тарбия масканида ўқувчилар, ўқитувчилар ҳамон дарсхоналарда қишки кийимда ўтиришади. Чунки хоналар совуқ.

Мактаб директори, район Кенгаши депутати Ўктамхон Муҳиддинова шундай деди:

— Икки йилдан бери район-шаҳар халқ таълими раҳбарлари ўтин, кўмир олиб берамиз, газ келади, деб ваъда беришмоқда. Шаҳарда 39 та ўрта мактаб бор. Очиғи, Фарғона шаҳар халқ таълими бўлими мудири Муҳаммаджон Хўжаев, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Турсунали Қурбонов, район ижроия қўмитаси раиси Ҳасанбой Мамажоновларга мурожаат этавериб ҳафсаламиз пир бўлди. Охири рўзнома таҳрир ҳайатига хат йўллашга мажбур бўлдик. Зора фойдаси тегса.

Яна шуни айтиш керакки, мактабни газлаштириш учун зарур бўлган нарсаларни ўзим амал-тақал қилиб топиб келсам ҳам қурилиш ишлари сансалорликка солинмоқда. Ахир, ўқувчиларга совуқ хоналарда дарс ўтиб бўлмайди-ку. Наҳотки район қурилиш бўлими бошлиғи Мирзакарим Умаровга шу оддий ҳақиқатни тушунтириш шунчалар қийин бўлса. Ҳали қор-қировли кунлар олдинда. Ишлар эса муздай дарсхоналарда хасталаниб қолиши ҳеч гап эмас. Токайгача бу аҳвол давом этади?

У. МУҲАМЕДОВ.

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, Б. МАХСИТОВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, Т. СОЛИЕВ, С. СИРОЖИДДИНОВ, Э. ИБРОҲИМОВ, М. АБДУРАҲМОНОВ, Н. ТОШЕВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовощвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-54-33. Қайта ишлаш саноати бўлими — 32-56-31. Советлар ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими — 32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-54-33. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Ленинград кўчаси, 32. Нашр кўрсаткич — 64.602, 68.753 нусхада чоп этилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.30 Буюртма —6486.